



ОУНГ ИЪУЛАРИ
МЕХРНИНГ

ШИРМАТ
ШЕРМАМЕТОВ

*Assesora ul. 2006
Ganch*

ШИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ

МЕҲРИНГ ОЛИС ЙЎЛЛАРИ

(Ниёзмуҳаммад охунд ва унинг авлодлари ҳақида
тарихий-маърифий лавҳалар)

Тошкент
«ИQTISOD-MOLIYA»
2006

O'ZBEKISTON DAVLAT XOREOGRAFIYA
AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
AXBOROT RESURS MARKAZI
- 18. - 07. 20 22. VII
266.

Тақризчи: Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Педагогика фанлари доктори, профессор.

СЎЗБОШИ

Истиқлол шарофати билан динимизга эркинлик берилиши, динга холис хизмат қилган ва қилаётган кишиларнинг қадр топиши, диний адабиётлар – Қуръони каримдан тортиб, ҳадис, фикҳ, тасаввуфга оид нодир манбаларнинг асли ва таржималари нашр этилиши, диншунослик, исломшунослик илмининг ривожланиб бораётгани инсоннинг шукроналар айтишини вожиб қилса ажаб эмас!

Хоразмнинг улуғ фарзанди Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144) ҳазратларининг ҳаёти ва ижоди билан чуқурроқ танишар эканмиз, у зотнинг фазилатлари ҳамда бетакрор ўғитларида биз авлодлар учун ибрат бўладиган кўпдан-кўп намунавий, ибратомуз тарбиявий жиҳатларининг гувоҳи бўламиз. Масалан, буюк аллома ўз она юрти Хоразмга нисбатан чексиз муҳаббати ва ватанпарварлик туйғуси ва садоқатини қатор асарларида алоҳида таъкидлайди. Жумладан, ўз асарларидан бирида «Хоразмда шунчалик кўп, беҳисоб гўзал фазилатлар мавжудки, дунёнинг бирор мамлакатада ҳам бунақасини кўрмадим», – деб зўр ифтихор ва ғурур билан ўз ватани Хоразмни таърифлайди. Ёки бўлмаса, ўзининг «Рабиъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») номли Бағдодда нашр этилган тўрт жилддан иборат асарида Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқин саҳобаларидан бири Абу Ҳурайра (у 676 йилда вафот этган) ривоят қилган муборак ҳадисни келтирадики, бунга кўра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хоразмга ғоятда юксак баҳо бериб: «Хоразмда атиги бир кечагина тунаган инсон қандай бахтли-я! Хоразмнинг чангу ғубори теккан кишидан бахтли инсон бўлмаса керак! Хоразмда икки рақъат бўлсада, намоз ўқиган киши қандай бахтиёр инсон-а!», – деб марҳамат қилган эканлар. (Биринчи жилд, 349-351 бетлар). Сарвари оламнинг муборак тилларидан содир бўлиб, сидқидилдан пайғамбарона меҳр билан айтилган бу таърифу

Ушбу рисола Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудида маълум ва машҳур бўлган Ниёзмұхаммад Охунд (XVIII аср) ва унинг авлодлари ҳаётига бағишланган. Асар ҳаётий лавҳалар, тарихий фактлар, бадиий адабиётлардан олинган иқтибослар билан бойитилган. Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© «IQTISOD-MOLIYA» нашриёти, 2006.

тавсифлар кўҳна Хоразмни азалдан ислом олами учун ҳам нақадар азиз ва мукаррам ўлкалардан бири сифатида улуғланганлигини кўрсатади.

Ҳасан ал-Басрий (642-728) исмли тобейий ўз даврида ҳадис, фикҳ, калом, тарих, наҳву сарф илмлари бўйича йирик олим сифатида танилган бўлиб, у ҳам Хоразмни: «Машриқда Хоразм деган бир шаҳар бор. У Жайхун (Амударё) соҳилида жойлашган. Бу шаҳарни малоикалар чор атрофдан ўраб турадилар ва бамисоли келини пардозлаб, ясангириб куёви уйига олиб борганлари каби улар Хоразмни ясан-тусан қилиб жаннатга томон етаклайдилар. Аллоҳ таоло Хоразмнинг битта қабристонидан юз минг шаҳидни тирилтирадики, улардан ҳар бир шаҳиднинг даражаси Бадр жангининг шаҳидлари мақомига баробардир», деган ғоятда юқори баҳо билан шарафлаган.

Таниқли олим, адиб, жамоат арбоби Пирмат Шермухамедовнинг кўлингиздаги ушбу рисоласи ана шу кўҳна Хоразм замини худудларида яшаётган бахтли инсонлар ҳақидадир. Бу рисолада уч асрлик авлоднинг ҳаёт йўли, фаолияти қисқа тарзда кўриб чиқилган. Советлар даврида уларнинг қандай хўрланганлигини, бир бутун бўлиб, бир маҳалла бўлиб яшаётган мазкур авлод вакиллари ўша мустабид тузум даврида ҳар тарафга тўзғиб кетганини минг надоматлар, юз минг афсуслар билан ўқийсан, холос. Ниёзмухаммад охунд ва унинг авлодлари Хоразм тарихида ўзларига яраша элга, юртга, динга хизмат қилиб, халқнинг обрўсини қозониб келаяпти, экан. Уларнинг ҳозирги авлоди ҳам халқ бошида туриб, халқнинг яхши-ёмон кунларида қўлдош, ғамхўр эканлар. Ниёзмухаммад охунднинг ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган авлодларидан бири Абдурахим ҳожининг қилган ва қилаётган хизматлари ҳам тақсинга сазовор. Уни мана шу қилган ишлари сабабли қанча мақтаса оз. Унинг амакиваччаси Раҳимберган эшон ўзининг саховати, ҳожатбарорлиги, жўмардлиги ва ниҳоят, лозим бўлса, ҳазил-мутойибалари билан эл олдидаги бурчини адо қилиб келаяпти.

Мустақиллик берган эркинлик туфайли элу юртда динни ниқоб қилиб, унинг соф, покиза таълимотларини бузиб талқин қилувчи турли хилдаги, турли номдаги гуруҳлар ҳам пайдо бўлгани бугунги кунда сир эмас. Уларга қарши курашиш, динимизнинг софлигини сақлаб қолиш, турли оқимлардан ҳимоя қилиш ҳамма даврларда, барча замонларда долзарб бўлган ва бундан сўнг ҳам долзарб бўлиб

қолади. Ҳамма вақт ҳам ана шундай савобли ва хайрли ишни — динимизни асраб авайлашни ўз бўйнига олган одамлар бўлган. Менинг назаримда Абдурахим ҳожи ўз юртида динини, миллат шаънини сақлаб қолишга жону дилдан киришган, шу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган одамлардан биридир.

Биз ўтиб кетган ота-боболаримиз билан фахрланамиз, уларнинг ҳаёт йўлини, ёзиб кетган асарларини севиб ўрганамиз. Бугунги кунда ҳаёт бўлиб турган, динимизга хизмат қилаётган уламолар, соф ниятли кишилар бор. Улар ҳақида, уларнинг қилаётган хайрли ишлари ҳақида гапириш, ёзиш ҳам керак, менимча. Филология фанлари доктори, профессор Пирмат Шермухамедовнинг ушбу рисоласи ана шу ниятда ёзилган. Рисолани ўқиган ҳар кимса ўз юртида, ўз қишлоғидаги динга хизмат қилаётган покиза, қалби тоза инсонлар борлигини ўйлаб қолади, уларни қадрлашни, эъзозлашни қалбига тугиб қўйса ажабмас.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.

қизиқиш қадим замонларданоқ бўлган, лекин ўрта асрларда шажара имтиёзли табақаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг авлод-аждодларини расмийлаштиришга қизиқишнинг кучайиши билан алоҳида аҳамият касб этган. Бу ўз навбатида XV асрдан бошлаб, шажара ўртасидаги никоҳ алоқалари ҳақида гувоҳлик берувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу даврларда уруф ёки бир-бирига яқин бир неча уруф аъзоларининг насл-насабига оид бир неча дафтарлар тузила бошланган. Ўрта Осиёда шажарага оид дастлабки йирик асарлар XVI-XVII асрларда пайдо бўлган. Айниқса, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи Тарокима» асарлари XIII-XVII асрлардаги мўғул ва турк уруғлари, ҳукмдорлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ўрта Осиёда Насаб дафтарида хўжалар, саййидлар ва бошқалар эга бўлиб, бу ҳужжатлар уларни пайғамбар, саҳобалар, тархон, беклар наслидан келиб чиққанлигини кўрсатувчи далил сифатида, шунингдек, солиқ тўлаш, халқ ҳақларига чиқиш ва бошқа ишларда алоҳида имтиёзга, умуман жамият ҳаётида юқори мавқега эга бўлиши учун хизмат қилган. Шажара ҳужжатлари дастлаб шахснинг сиёсий мавқеига кўра, гувоҳлар иштирокида ҳукмдорлар ҳузурда тузилган ва унинг муҳри билан тасдиқланган. Кейинчалик ҳукмдорлар аввалги муҳрларини кўриб тасдиқлаб бераверишган»³.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, қадим-қадимдан оила шажараси, уруғлар, қабилалар, қавмлар, ҳукмдорлар, азиз авлиёлар, алломалар, диний арбоблар – саййидлар, эшонлар, охунлар, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қариндошлик алоқалари бор бўлган кишилар шажаралари мавжуд бўлган. Ота-боболаримиз томонидан тузилган шажаралар, насабномалар миллатимиз, халқимиз маънавиятининг, бинобарин, тарихимизнинг ажралмас бир қисми сифатида муҳим тарихий аҳамият касб этади.

Ўтмишда не-не буюк боболаримиз яшаб ўтишган. Ана шундай улуғ сиймолардан бири етук уламо, замонасининг пешқадам алломаси Ниёз Муҳаммад охундир.

НИЁЗ МУҲАММАД ОХУНД

Охун (Хоразмда охундни охун дейдилар) бобонинг асл исмлари Ниёз Муҳаммад бўлиб, оталарининг исмлари Мулло Мирзо Муҳаммад Муроддир. Ул зот асли Қорақўл туманидан (Бухоро

вилояти) бўлганлар. Туғилган йиллари номаълум. Вафотлари 1187 ҳижрий (1773 милодий) йил бўлиб, бу сана тазкираларда «Хуршиди жаҳон обод» сўзларининг абжод ҳисобидан чиқарилган. Охун бобонинг битта ўғли бўлган.

Охун сўзи Хоразмда қадимдан етук уламо, шайх, илму фанда замонасининг пешқадам шахсларига нисбатан ишлатилган. Фазлий тахаллусли адибнинг Охун бобо ҳақидаги «Мақомоти Охунд бобо» рисоласида ул зотнинг Нақшбандийа тариқатидан эканлиги, ўз даврининг буюк авлиёларидан саналганлиги гапирилади. Охунд бобонинг тариқатдаги силсилалари ушбу асарда мана бундай кўрсатилган:

1. Ниёз Муҳаммад охунд бобо
2. Шайх ул-машойих Мавлоно Ҳасан
3. Ҳазрати Шоҳ Зевар
4. Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Духтар
5. Мавлоно Охунд Камол
6. Ҳазрати Шоҳ Ақсо
7. Мавлоно Хурд Балхий
8. Ҳазрати Маҳдуми Аъзам
9. Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози
10. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор
11. Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархий
12. Ҳазрати Хожа Баҳоддин Нақшбанд
13. Ҳазрати Хожа Саййид Кулол
14. Ҳазрати Хожа Бабойи Саммосий
15. Ҳазрати Хожа Алий Ромитаний
16. Ҳазрати Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий
17. Ҳазрати Хожа Ориф Ревгарий
18. Ҳазрати Хожан Жаҳон Юсуф Ҳамадоний
19. Ҳазрати Хожа Али Фармадий
20. Шайх Абулқосим Гургоний
21. Шайх Абулҳасан Харақоний
22. Султон Боязид Бастомий
23. Саййид Имом Жаъфари Содик
24. Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ
25. Салмони Форсий (р.а.)
26. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)
27. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)

Аллоҳ таоло ҳаммаларидан рози бўлсин ва уларнинг сирларини муқаддас айласин!

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, замонасининг етук уламози саналган Ниёз Муҳаммад охун ҳақида нималарни биламиз ва ул буюк зот қандай қилиб Хоразм элига келиб қолган?

Айрим тарихий манбалар ва ривоятларга суяниб, мулоҳаза юритилса, Охундининг авлод-аждодлари илдиэлари Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалар экан. Шу ўринда эслатиб ўтамиз, бир пайтлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинлари яъни унинг дўстлари, қариндош уруғлари, саҳоба ва тобеинлари Ислом динини тарғиб қилиш мақсадида ўзга эллар, юртларга сафар қилганлар. Шулар орасида Ниёз Муҳаммад охуннинг боболари ҳам бўлиши мумкин.

Ниёз Муҳаммад охун ёшлигида Бухородаги Мир Араб мадрасасида етти йил таълим олган. Сўнгра ўн икки йил давомида ўз даврининг етук уламоларидан бирининг қўлида тасаввуфий сабоқлар олган. Халқ оғзида юрган ривоятларнинг бирида айтилишича, бир куни устози уни эрта тонгда ўз хузурига чақириб, шундай дейди:

— Эй, Ниёз Муҳаммад, сенинг шогирдлик давринг ниҳоясига етди. Оқ, қорани танидинг, дини исломнинг йўлларини мукамал ўргандинг. Мендан нимаики ўрганиш лозим бўлса барчасини билиб олдинг. Мустақил ҳаёт йўлига қадам қўядиган пайтинг келди. Энди сен Хоразм эли томон йўл ол.

Устозидан оқ фотиҳа олган, келажакдаги орзу-умидлари, эзу ишларини Аллоҳ номи билан боғлаган Ниёз Муҳаммад зудлик билан уйига бориб, ота-онасининг розилигини олишга шошилади. Сўнгра қўлига иккита кумоч олиб, Чоржуй томон йўл олади. Бахтли тасодифни қаранг-ки, йўловчилар билан тўлган кема Хоразмга жўнаётган экан. Кема Хоразм худудига келиб, дарёнинг қирғоғида тўхтади. Кемадан тушган Ниёз Муҳаммад қирғоқ ёнида ертўла қазиб, унинг ичида яшай бошлайди. У болалигида ота-онасидан бўз тўқишни ўрганган эди. Бу ерда ҳам ўша касбини давом эттирмоқчи бўлади. Сўраб-суриштириб, кўшни қишлоқда бир бўз тўқувчи кампирнинг борлигини эшитади. Кечки томон ўша кампирнинг уйига бориб, мусофир эканлигини айтади, агар мумкин бўлса, вақтинча дов-дастгоҳини бериб туришини илтимос қилади. Кампир ҳеч иккиланмай Ниёз Муҳаммаднинг истагини қабул қилади.

Ниёз Муҳаммад дастгоҳларни ертўлага олиб келиб ишни бошлаб юборади.

Бир куни қизиқ воқеа рўй беради. Қишлоқнинг танилган ўғрилари Ниёз Муҳаммаднинг ертўласини тунаб, унинг бор будшудларини ўғирлаб кетишмоқчи бўлишади.

Ойдин тун. Ертўлага мушук сингари сассиз юриб келган ўғрилар ертўланинг эшигини очишади. Не кўз билан кўришсинки, дастгоҳ бировнинг ёрдамисиз ишлаб турибди. Уйнинг эгаси ойнинг ёруғида китоб ўқиш билан машғул, ўғрилар ҳайратларидан қотиб қолишади. Бу не сир-синоат. Улар юрай деса юришаолмайди, ўтирай деса ўтиришолмайди. Нима қилишларини билмай бошлари қотишади. Шу пайт Ниёз Муҳаммад китобдан бошини кўтаради.

— Хуш кўрдик, меҳмоним бўлинглар,-дейди Ниёз Муҳаммад. Қалт-қалт титраб турган ўғриларнинг бошлиғи ертўла эгасидан бир амаллаб кечирим сўрайди. Шу-шу улар бу кулбага қайта қадам босишмайди.

Энди иккинчи ривоятни тилга олайлик:

...1767 йилнинг эрта баҳори. Бир куни Хива хони Шерғозихон машварат чақиради. Машваратга Хоразмнинг таниқли ва етук уломалари таклиф қилинади. Хон машваратга чақирилганларнинг барчаси келган-келмаганлиги билан қизиқади. Шунда вазири аъзам таъзим бажо айлаб, фақат бир уламо - яъни Урганч қалъаси атрофидаги Ўрта Дўрмон овулида истиқомат қилувчи Ниёз Муҳаммаднинг йўқлигини айтади. Хон Ниёз Муҳаммадни топиб келишни буюриб, машваратни тўхтади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Хива хони яна машварат чақиради. Даврада эл-улус, дин ва раият ҳақида турли хил саволлар айланади. Хоразм уломалари бири олиб, бири қўйиб, масала талашадилар. Лекин уларнинг савол-жавоблари хонни қаноатлантирмайди. Шу пайт бир чеккада жим ўтирган Ниёз Муҳаммад сўз олиб, ўз фикрларини баён қилади. Ёш йигитнинг жавобларидан қаноат ҳосил қилган хон унга бундай дейди:

— Хонлик сизга Ўрта Дўрмон, Юқори Дўрмон ерларини суюрғол қилиб беради, Чимбой атрофидаги ерларни эса мўлдак (шахсий ер - П.Ш.) сифатида совға қилади.

Шу воқеадан кейин орадан бир йилга яқин вақт ўтади. Яна яйраб, яшнаб баҳор кириб келади. Амударё тўлиб, тошиб теварак-атрофини ювиб кета бошлайди. Бутун овуллар, қишлоқлар, экин ерлари сув остида қолиб кетади. Дарё қанчалик тошиб кўпирмасин, лекин Ниёз Муҳаммад яшаб турган овулга ҳеч бир зиён-заҳмат етмайди.

Матёкуб эшондан эса ёлғиз бир ўғил Раҳимберган эшон(1947 йил) деган фарзанд дунёга келган бўлиб, ҳозирги кунда унинг Бахтиёр, Аллоҳёр, Раҳмонберган, Озод, Илҳом, Ўктам(1978-1999), Алишер, Ислон ва Юлдуз деган фарзандлари яшаб келмоқда.

Сафо эшоннинг иккинчи ўғли Хўжамат эшондан Абдулла эшон(1882-1972) деган фарзанд дунёга келган бўлиб, ҳозирда унинг Шодмон (1954йил туғилган) исмли қизи ҳаётдир.

Ҳабибуллоҳ эшоннинг иккинчи ўғли Дарвеш эшон (1813-1891) бўлиб, у биринчилардан бўлиб, Урганч тупроғидан Амударёнинг бу тарафига, яъни Шаббоз тупроғига ўтиб ватан тутган зотдир. Дарвеш эшондан Отажон эшон(1834-1862), Раҳматуллоҳ эшон(1837-1881) ва Абдурахмон эшон(1841-1930) деган фарзандлари ҳам бўлган. Иккита катта ўғилдан биронта ҳам зурриёт қолмаган. Абдурахмон эшоннинг Довуд эшон(1862-1937), Юсуф эшон(1874-1965) ва Ибодуллоҳ эшон(1876-1940) исмли фарзандлари бўлган. Довуд эшондан икки фарзанд Бекиш эшон(1934-1998) ва Эшим эшон(1928 йил туғилган) бўлган. Бекиш эшоннинг Худойберган исмли битта фарзанди (1971 -2005) бўлиб, у ҳам вафот қилган. Ундан тўртта норасида фарзанд қолган.

Эшим эшоннинг Ҳасанбой, Куронбой ва Рўзимбой деган ўғиллари бор. Юсуф эшондан ҳам иккита фарзанд бўлган: Камол эшон (1932 йил туғилган). Унинг Шарофиддин, Ражапбой, Гулимбой, Жумабой ва Ҳожибой деган ўғиллари бор. Юсуф эшоннинг иккинчи ўғли Жамол эшон (1942 йил туғилган)дан эса Баҳром, Нуриддин, Муҳиддин деган ўғиллар ва Гулбаҳор, Муяссар, Норжоний, Муборак, Сайёра, Нигора, Озода исмли қизлари бор.

Абдурахмон эшоннинг учинчи ўғли Ибодуллоҳ эшондан ҳам Йўлдош эшон(1941-1997) деган бир ўғил ва Ҳалима(1936 йил туғилган) деган бир қиз қолган. Йўлдош эшоннинг Иброҳим(вафоти 2003 йил), Исмоил, Муродбек, Муҳиддин деган ўғиллари бор. Ҳалима онанинг эса Улуғбек ва Нодирбек деган ўғиллари бор.

5. Охун бобонинг бешинчи невараси Яқуб эшон (1791-1880) бўлиб, унинг Одил эшон (1842-1926) ва Заби эшон(1864-1943) деб аталган икки ўғли бўлган. Одил эшоннинг Юнус эшон деган бир ўғил ва Хадича (1940-1980) деган қизи бўлган. Юнус эшондан фарзанд қолмаган. Заби эшондан битта ўғил қолган. Исми Буважон эшондир. Ундан Матёкуб эшон(1928-1996) деган ёлғиз бир ўғил бўлган. Афсуски, ундан ҳам фарзанд қолмаган.

6. Охун бобонинг энг кенжа невараси Неъматуллоҳ эшон(1793-1874) бўлиб, унинг Гулжон исмли биттагина қизи бўлган. Гулжон бир ўғил ва бир қиз фарзанд кўрган. Унинг бу Охун бобо авлодларидан бошқа саййидзодалардан бўлган азиз зотга теккан қизидан Ҳикматуллоҳ эшон, ўғлидан Раҳматуллоҳ эшон сингари авлодлари тарқалган. Раҳматуллоҳ эшондан Саййид Муҳаммад исмли ўғли ёдгор бўлиб қолган. Саййид Муҳаммаднинг тўртта фарзанди бўлган. Улар: Муҳаммад Ёқуб, Саййид Муҳаммад (уни Мулло Ота деб ҳам аташади), Саййид Маҳмуд, Саййид Рўзимуҳаммадлардир. Муҳаммад Ёқуб эшоннинг Нажмуддин, Бўрониддин исмли ўғиллари бўлган. Нажмиддин эшондан Асад эшон деб аталган зурриёти қолган. Асад эшоннинг Саййид ҳожи номли ўғли бўлган. Бўрониддиннинг Отахон ва Ҳайитбой деган ўғиллари бугунги кунда ҳам барҳаёт. Саййид Муҳаммад эшоннинг Саййид Абдуллоҳ ва Исмоил исмли иккита ўғли бўлган. Улардан кейин Саййид Муҳаммад авлодлари силсиласи бутунлай тўхтаб қолган. Саййид Маҳмуд эшоннинг Шамсиддин ва Жамолиддин деган ўғиллари бўлган. Аммо Шамсиддиндан биронта ҳам авлод қолмаган. Жамолиддиннинг Маҳмуд, Комилжон исмли фарзандлари бугунги кунда Эллиққалъа тумани худудида жойлашган Сарибий мавзеида истиқомат қилишади. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг биринчи хотинидан Муҳаммад Мусо, Хўжа Аҳмад, Аваз Муҳаммад, Абдурахим деган ўғиллари бўлган. Улардан Муҳаммад Мусо ва Хўжа Аҳмадлар 1937-йили эшон авлодлари сифатида отилиб кетган. Аваз Муҳаммад ва Абдурахимлар эса турли хил ҳаёт қийинчиликлари туфайли вафот этишган. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг иккинчи хотинидан Дарвеш эшон, қизларидан Жалол, Ашур, Муҳаммад Раҳимлар дунёга келишган. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг учинчи хотинидан Муҳаммад Собир, Муҳаммад Исо, Муҳаммад Маҳмудлар туғилганлар. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг тўртинчи хотинидан Абдуллоҳ ва Раҳмонберди (Очил эшон ҳам дейишади) деб аталган фарзандлари бўлган. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг иккинчи хотинидан туғилган Жалол эшоннинг Одил эшон(1943 йил туғилган) ва Низомиддин эшон(1947 йил туғилган) деган ўғиллари бор. Одил эшон Азимбой ва Ҳайитбой исмли иккита фарзанд кўрган. Низомиддин эшондан эса Музаффар ва Хуршидбеклар туғилганлар. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг иккинчи хотинидан дунёга келган Ашур эшон ва Муҳаммад Раҳим эшонлардан биронта ҳам зурриёт қолмаган. Саййид Рўзимуҳаммад эшоннинг учинчи хотинидан туғилган Муҳаммад Собир эшоннинг бешта фарзанди бўлган.

Уларнинг исмлари: Аҳмаджон(1943), Илҳомбой(1957), Фуломбой(1963), Ёкуббой(1965) ва Шоҳназар(1967)дир. Муҳаммад Исо эшон ва Муҳаммад Маҳмуд эшонлардан, афсуски, умуман фарзандлар қолмаган. Абдуллоҳ эшондан эса икки фарзанд дунёга келган. Бобибек ва Жонибеклар ёдгор бўлиб қолишган. Очид эшоннинг (Раҳмонберди) Саъдуллоҳ, Ҳабибуллоҳ ва Шавкат исмли ўғиллари бугунги кунда Сарибийда яшаб келишади.

Жалол Эшон авлодларидан Раҳмонберди ўғли Норхон авлодлари қизлари Гулбаҳор, Зухро, Сайёра, Янгилжон, ўғиллари Абдурашид, Абдурасул, Шарафиддинлар Беруний шаҳрида яшаб, турли касбларда ишлаб, халқимизга хизмат қилиб келмоқдалар.

Ўз даврида Ниёзмуҳаммад оқуннинг жуда кўп муридлари бўлган. Улар Термиз, Самарқанд, Бужоро, Урганч, Хива шаҳарларида истиқомат қилишган. Шундай садоқатли муридларидан бири Хўжаэли (Хўжайли)дан чиққан Муҳаммад Шариф эшон ўғли Пирим эшондир. Пирим эшон ҳам, унинг фарзандлари Шермуҳаммад, Пирмуҳаммад, Исмоилжон ва Юсуф эшонлар ўз даврининг етук уламолари саналган. Юсуф эшонни замондошлари Аминиддин хўжа Туркистоний деб ҳам шарафлашган. Ҳозирги кунда ул зотнинг шарафига қурилган мақбара Хўжайли шаҳрида бунёд этилган.

Ниёзмуҳаммад оқун ва унинг муридлари хусусида сўз кетар экан, беихтиёр равишда Сўфи Аллоҳёрнинг устозлар ва шоғирдлар ҳақида битган мана бу шеърий сатрлари хаёлга келади:

Керак муршид берган монанди уммон,

Муборак ботини пур дурри маржон.

Жаҳолат даштидан ким келса сувсаб,

Анинг тоҳир сувидан бўлса сероб.

Агар бўлса кимгаким, толиби дур,

Чўмуб ботинга жайбин айласа пур...

Тан бериб айтайлик, ҳазрати Ниёзмуҳаммад оқуннинг авлодлари силсиласи ўрин олган ҳар бир шахс ҳақида махсус китоблар ёзиш мумкин. Аммо бу иш узоқ йиллар давомида тинимсиз изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Бу улуг ва олийжаноб ишни келгуси авлодлар зиммасига юклаган ҳолда айримлари ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

МУҲАММАД ШАРИФ ЭШОН

Ниёзмуҳаммад оқуннинг невараси Муҳаммад Шарифни таниган, билган одамларнинг ҳикоят қилишларича, у ҳам болалик

пайтидаёқ илм олишга қизиққан. Куръони каримни ёд олиб, қори бўлган. Сўнгра бир неча йил давомида Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан дарс олган. Унинг халқ орасида тутган улкан мавқеи Хива хонининг саройига ҳам етиб борган. Раият аҳлининг ҳохиш-истаги туфайли Шовот туманининг қозиси даражасига кўтарилган. Сўнгра Хива хонининг шахсий илтимоси билан Хоразм элининг Шайх ул-исломи мақомини олган. У Шайх ул-ислом сифатида адолатли ҳукмларга фатво берган. Ўрни келганда хоннинг ношаръий ҳукмларига ҳам қаршилиқ қила олган.

Муҳаммад Шариф эшоннинг Хива хонлигида тутган обрў-эътибори, рутбаси шу қадар катта бўлганки, ҳатто унинг бир пайтлари кийиб юрган тўни бугунги кунда қимматбаҳо ёдгорлик сифатида Хива Давлат музейининг экспонатлари орасида ўзига муносиб жой олган. Маълумки, Шўролар тузуми ҳокимиятни қўлга олгач, Ислом дини ва унинг йирик намояндаларига қарши кескин кураш бошлади. Оқунлар, эшонлар, саййидлар, шайхлар, муллолар ва уларнинг авлодлари гуноҳлари бўйинларига қўйилмай туриб, турмаларга ташланди, Сибирнинг олис ўрмонларига сургун қилинди. Айримлари шафқатсизларча отиб ташланди.

«Ўлкада миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эълон қилинган бўлса ҳам, амалда турли йўллар билан шу ҳуқуқнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиб келинди. Бизнинг назаримизда, маҳаллий халқ вакилларидан сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан етук кадрлар етишиб чиқмаслиги учун турли усул ва шакллар ишлаб чиқилган. Бундай сиёсат болшевиклар ҳокимияти учун табиий ҳолга айланган. Дастлабки йиллардан бошлабоқ амалга оширила бошлаган.

Қотагон сиёсатининг кенг тарқалган турларидан бири «тозалаш» усулидир.

Шакллар таснифи халқни юз бераётган воқеалардан «махфий», «ўта махфий», «ниҳоятда махфий», «эълон қилиш мумкин эмас» каби ёпиқ мажлислар ўтказиш, ёрдамчи шакллар жамоатчилик институтларини ташкил қилиш ва ҳоказолар олиб борилган.

Совет тузумининг қатоғон сиёсати одамларни камситиш, хўрлаш, ҳоқоратлаш, партия аъзолигидан чиқариш, барча имтиёзларни чеклаб қўйиш, одамларни бир-бирига қарши қўйиш, уларни руҳан эзиш каби ўзининг мудҳиш томонларини намоён қилган. Совет тузуми даврида ўз фуқароларини, бундан жумладан,



хотин-қизларни қатоғон қилишнинг қирқдан ортиқ тури «ўйлаб топилган» ва ҳисоботларда алоҳида «бандлар» ажратилган.

Жамият «совет сиёсати ёқмаган»лардан мунтазам равишда «тозаланиб» борилган.

Йигирманчи асрнинг 1917-1924 йилларида маҳаллий аҳоли турли босқинчи кучларга, жумладан, совет ҳокимиятининг зулмкор сиёсатига қарши миллий озодлик ҳаракатларини олиб борган, озодлик ҳаракати аъзоларига «босмачилар» деган ном берилган. Минглаб ватанпарварлар «босмачилар» ҳаракатида қатнашганлиги учун қатоғон қилинган.

Ўттизинчи йилларда оммавий жамоалаштириш муносабати билан асосан қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳоли қатоғон қилинган. Аҳоли «қулоқ», «бой», «йирик ер эгаси», «ўртаҳол ер эгаси», «деҳқон қулоқ», «балиқчи қулоқ», «мулло ва эшон унсурлар» сифатида нафақат колхоз қурилишига қарши ҳаракат қилганликлари учун, балки совет сиёсатидан норози бўлиб, унга қаршилиқ қилганликлари учун ҳам, тозалаш усули билан жазоланган.

30-40-50 йиллардаги «қатоғон» касб ҳам, мансаб ҳам танламаган. Қатоғон қурбонлари, шу жумладан, хотин-қизлар йигирмадан ортиқ «номлар» билан таҳқирланганлар: «буржуа миллатчи», «бузғунчи», «троцкийчи-зиновьевчи», келиб чиқишини яширганлиги, қочоқлиги учун ёки ўз хоҳиши билан яшаб турган жойини ташлаб кетганлиги, инқилобга қарши буржуа миллатчи гуруҳида қатнашганлиги, синфий большевикча ҳушёрлигини йўқотганлиги, синфий ёт «унсурлар» билан давлат ва аппаратни ифлослантирганлиги, тузумга қарши бўлгани, катта моддий зарар келтирганлиги, хўжалик ишини эплай олмагани, «буржуа миллатчиси» билан яқин алоқада бўлганлиги, икки ёқлама сиёсат олиб борганлиги, троцкийчи-зиновьевчилар билан яқин алоқа қилганлиги учун ва ҳоказо.

Шунингдек, «халқ душмани», «халқ душмани билан алоқа қилганлиги», «синфий ёт унсур» бўлгани, «синфий ёт унсурлар» билан алоқа қилганлиги, давлат мулкани талон-тарож қилгани, инқилобий қонунчиликни бузгани, ҳушёрликни йўқотгани, аксилинқилобий ҳаракатларни тегишли органларга хабар қилмагани, ёт гуруҳлар билан алоқа қилгани, «фалончаевчилар» гуруҳидан бўлганлиги, улар билан алоқа қилганлиги, партиёга номзодлик ва партиё билетларини йўқотгани ва ҳоказолар учун

уларни қамоққа олиш, «кўчириш», «сургун қилиш», қатл этиш йўли билан «тозалаш»лар олиб борилган⁴.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мана бу сўзларини тилга олиб ўтиш ўринлидир:

«...Совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди... Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқлари ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишлардан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди»⁵.

Архив материаллари билан синчиклаб танишиш шуни кўрсатадики, 20-30 йилларда ислом динининг ҳимоячиси тамғаси билан Хоразм ва Қорақолпоғистон худудларида ўн мингдан ортиқ мўллалар, эшонлар, охунлар, шайхлар, сўфилар, хўжалар, қорилар, махсумлар ва уларнинг оила аъзолари қатоғон қилиш сиёсати туфайли турли хил жазоларга учради. Улар орасида Ниёз Муҳаммад охун авлодлари, манғитлик Юсуф эшон ва Бобоохун Салимий ўғиллари ҳам бор эди. Қиличидан қон томган Шўро тузимининг жаллодлари уларнинг ўзларини маҳв қилибгина қўймай фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарларини ҳам турли хил туҳматлар тўқиб, озодликдан маҳрум қилдилар. Бобоохун Салим ўғли 1929 йилда Гурланда «миллатчи руҳоний» сифатида отиб ташланди, Юсуф эшон Хоразмий эса яширин равишда ҳаж сафарига жўнаб, большевикларнинг жазосидан қутилди.

...Йигирманчи йилларнинг бошлари... Қиличидан қон томган большевиклар бирин-кетин миллатнинг асл фарзандларини йўқ қилишга киришди. Большевикларнинг «Қора рўйхати»га кирганлар орасида етук уламо, Хоразм хонлигининг Шайх ул-исломи Муҳаммад Шариф эшон ҳам бор эди. Халқ орасида обрў-эътибори, нуфузи баланд бўлган эшонни шунчаки йўқотиш осон иш эмас эди. Ўйлай-ўйлай Шўро тузумининг жаллодлари саксон уч ёшга кирган бу улўф зотни ҳийла-найранг йўли билан йўқ қилиш режасини тузишади. Уни алдаб, «Сени худойингнинг олдига олиб борамиз» деган хоинона баҳона билан аэропланга олиб чиқишади

ва маълум вақтдан кейин кимсасиз бир жойда ерга ташлаб юборишади. Шу ерда қўй боқиб юрган чўпонлар эшоннинг жасадини топиб олишади. Муҳаммад Шариф эшоннинг жасади **Урганч тумани (собик)** ҳудудига қарашли Пахтакор колхозини (собик)да жойлашган Эшон овул қабристонига дафн қилинади.

БҮЁЗ ЭШОН

Фозил эшоннинг ўғли Бўёз (Бобониёз) эшон ҳам эшонлар авлодидан бўлганлиги сабабли йитирманчи йилларнинг бошларида Сибирга сургун қилинади. У бу ерда ўн йил ўтириб, она юрти Хоразмга қайтиб келади. Аммо не-не орзу умидлар билан Урганчга келган Бўёз эшон туғилиб ўсган она шаҳри кучоғига сиймайди. Қиличидан қон томиб турган НКВДчилар унга саккиз соат ичида шаҳардан чиқиб кетишни буюрашади. Ноилож қолган Бўёз эшон Тошқовуз вилоятига йўл олади ва Илонли туманида истиқомат қилишга мажбур бўлади. Орадан йиллар кетини қувиб йиллар ўтади. Ва ниҳоят, Бўёз эшон 1955 йили киндик қони томган Урганчга боришга, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан кўришишга расмий ружсат олади.

Советлар тузумининг туҳматларига учраб, умри Сибир турмаларида ўтган, хўрланган Бўёз эшон 1976 йили узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этган.

Қатогон сиёсатига учраганлар орасида Ҳабибуллоҳ эшон авлодларини ҳам учратиш мумкин. Дарвеш эшоннинг учинчи ўғли Абдураҳмон эшон 1929 йилда, у кишининг фарзанди Довуд эшон 1937 йилда диний эътиқодлари учун отиш жазосига ҳукм қилинган.

АМИНЖОН ЭШОН

Советлар тузумининг ҳийла-найранглари, макрларига учраганлардан яна бири 1905 йили Урганч шаҳри ҳудудига жойлашган Охун бобо мавзеида таваллуд топган Аминжон эшондир. У ҳам отаси Отажон эшон сингари диний эътиқоди туфайли жуда кўп қийинчиликларни ўз бошидан кечирди.

Аминжон эшон ўн икки ёшида эски мактабни тамомлаган. Ўн олти ёшида уни бобоси Муҳаммад Шариф эшон Қутлуғмурод иннок мадрасасига олиб борган. Бобоси туҳматга учраб, ҳибсга олингандан сўнг Аминжон эшон ва унинг падари бузруғвори Отажон эшон

юқори идораларга чақирилиб, сўроқ қилинади. Оиланинг ери, қўшқўкизи тортиб олиниб, молу мулки мусодара қилинади. Ана шундан кейин Отажон эшон оиласи 1922 йили Беруний (Шаббоз) тумани ҳудудига кўчиб ўтган.

Отажон эшоннинг қорақалпоқ аёлидан Собиржон деган ўғли, Оиша исмли қизи бўлган. Собиржон 1943 йили вафот этган. Оиша Исо эшоннинг ўғли Бобоҳон эшонга турмушга чиққан. Бугунги кунда уларнинг фарзандлари Хоразмда ҳаёт кечиряшади.

Отажон эшон узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1929 йили бандаликни бажо келтирди.

Отажон эшоннинг ўғли Аминжон эшон умр бўйи қорамеҳнат билан шуғулланди. Уруш йиллари барча қатори тиззадан қор кечиб ишлади. Сўнгра Чоржуй-Кўнғирот темир йўли қурулишида умрини ўтказди. Ҳалол яшаб, икки қиз, бир ўғилни оқ ювиб, оқ тараб тарбия қилди.

Тўғри, у биринчи хотинидан тўрт фарзанд кўрди. Аммо улар балоғат ёшига етмай ҳаётдан кўз юмишди. Иккинчи марта уйланиб, икки фарзандлик бўлди. Бироқ улар ҳам узоқ яшашмади. Аминжон эшон учинчи марта қорақалпоқ қизига уйланди, ундан бир ўғил кўрди. Аммо у ҳам касалга чалиниб, оламдан ўтди. Ва ниҳоят, уйланган хотинлари фарзандлари билан оламдан ўтиб кетганидан сўнг Ниёз Муҳаммад охун авлодидан саналган Толиб эшоннинг Анабиби исмли қизини ўз никоҳига олди. Улар ҳаммаси бўлиб, ўн бир фарзандлик бўлишди. Лекин улардан бир ўғли ва икки қизи тирик қолди, холос.

Аминжон эшоннинг ўғли Абдураҳим ҳожи ҳикоя қилади:

— Раҳматли отамиз Аминжон эшон фозил инсон эдилар. Мен эсимни танибманки, у кишининг ўзини тутишлари, панд-насиҳатлари, онамизга бўлган муомала-муносабатлари таъсирида ҳаёт мактабини ўтадим. Падари бузруғворимизнинг тез-тез айтиб турадиган бир гаплари бор эди: «Болам, ҳеч қачон меҳнат қилишдан қочма, ҳамиша камтар бўл. Меҳнат қилган одам хор бўлмайди».

Мен, опам, синглим иложи борича дадамизни хафа қилмасликка тиришар эдик. Ул киши бизларнинг илм олишимизга, маърифатли инсонлар бўлиб етишимизга доим кўмак берардилар.

Бир куни мени олдига чақириб, «Синглинг Биби Зайнаб Тошкентга ўқишга бормоқчи. Нима дейсан?» дедилар.

— Сиз нима десангиз шу бўлади.

— Рус тили факультетига қираман дейди.

Мен отамнинг саволига жавоб бермадим. Падари бузругворимиз анча сукутга толди ва шундай деди:

— Рус тили бўлса, янаям яхши. Рус тилини билгани билан динини йўқотиб қўймайди-ку. Ҳозир замон кимники, ўқиганники. Мана сен ҳам Тошкентда ўқиб келиб, ҳеч кимдан кам бўлмадинг-ку.

Дадам мурувватли камтар инсон эдилар. У кўлидан келганича етим-есирлар, ногиронлар, камхаржли оилаларга ёрдам беришни қанда қилмас эдилар. Бўш вақти топилди дегунча китоб мутолааси билан машғул бўларди. Мен у кишининг энг кўп ўқиган китобларини ҳам эслаб қолганман. Булар «Рух ул-баён», «Канз ул-ибод», Хўжа Ҳофиз Шерозий ғазаллари, «Тухфат ул-обидийн», «Мухтасар ул-виқоя», «Равнақ ул-ислом» китобларидир.

Аминжон эшоннинг невараси Ҳамидулла ҳикоя қилади:

— Ул зот отадан етим қолганликлари учун амаки ва тоғалари кўлида тарбия олганлар. Шўролар даврининг барча қийинчиликлари ва уруш даврларидаги турли хил машаққатларни бошидан кечирганлар.

Ёши бир жойга борганларида Шаббоз тумани (Беруний тумани)даги Бийбозор деган жойда истиқомат қилган Муҳаммад Карим эшон номли муршиди комилга инобат қиладилар ва ўн тўрт йиллик ихлос ва хизматларидан сўнг иршод-шаҳодатномасини оладилар.

Бобом оппоқ соққоллик, ниҳоятда нуроний, сўнг даражада мулойим ва ҳалим, доим қулиб тургувчи бир зот сифатида кўз ўнгимда қолган. Бувимнинг айтишларига қараганда, бобом кечалари кам ухлар, унинг асосий қисмини тоат-ибодатда ўтказар эканлар. Халқнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган, обид, ориф, шабхез, сахархез зот эдилар.

Бобом Аминжон эшон ҳазратлари форс тилини мукамал билар, қадимий туркий тилни жуда яхши тушинардилар. Адабиёт ул зотнинг жону дили эди. Уйда Сўфи Аллоҳёр асарлари, Навоий, Фузулий, Ҳувайдо, Ҳофиз ва Бедил ҳамда Шайх Саъдий сингари адибларнинг асар ва девонлари тўлиб кетган эди. Бобом бўш вақт топди дегунча, ўша китоблар мутолаасига берилар, гоҳ-гоҳ бизларни тўшлаб, улардан баъзи байтларнинг маъзини чақиб берар эдилар.

Бобомнинг дўстлари орасида ҳам шоир ва шоиртабиат, адабиётни, санъатни севадиган аҳли илмлари кўп бўлгучи эди. Отажон Қўшмон, Мулло Янгибой, Абдулқодир ота Маҳбубий

сингари ўз даври ва ўз элининг атоқли ва ҳурматли шахслари билан оилавий борди-келдиси бўлган.

Мулло Янгибой ота Орзу Урганжий тахаллуси билан ижод қилар ва ҳар бир ёзган ғазал ва шеърдан бир нусха ўз дастхати ила бобомга қолдиришга одатланган экан. Бобом вафот қилган куни бизни тўшлаб, бизга Орзу Урганжий ғазалларидан ўқиб берган эдилар. Бу воқеа менинг онгимда бир умр муҳрланиб қолган.

Кейинчалик билиб қолдимки, бобом ҳам шеър ёзиб турган эканлар. Устозлари Муҳаммад Карим эшон вафоти муносабати билан форс тилида ёзган марсияси ва форсий бир асардан қилган назмий таржимаси сақланиб қолган.

ВАФО – ИМОН МЕВАСИ (Аминжон эшоннинг завжаси)

Дунё дунё бўлибдики, инсон хулқини безайдиган гўзал ахлоқий хислатлар уят, андиша, ҳаё, ибод, зуҳд (поқдоманлик), тақво (Худодан қўрқиб, ёмон ишлардан сақланиш) ҳамиша эъзоланиб келинган. Қадимий Шарқ фалсафаси ҳам ана шу азалий тушунчалар асосига қурилган десак, ҳеч ҳам янгилимаган бўламиз. Айниқса, ўзбек аёллари хусусида сўз юритилса, бу фикрга яна ҳам кўпроқ ишонамиз.

Ўзбек аёллари... Уларнинг вафоси, имони, эътиқоди, гўзаллиги, мардлиги, одамгарчилиги, меҳмондўстлиги хусусида не-не кўшиқлар тўқилмади, не-не дostonлар куйланмаган дейсиз.

Алишер Навоий «Арбаин» асарида она қадрини улуғлаш кераклигини таъкид қилиб, бундай ёзадилар:

Оналарнинг оёғи остидадир,
Равзаи жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онангнинг оёғи тупроғи.

Ўзбек аёллари... Улар ҳар доим фарзандларининг келажagini ўйлайдилару, аммо ўзларини ўйлаш эларига ҳам келмайди. Шу ўринда арман шоири Аветик Исакяннинг оналар ҳақида ёзилган машҳур бир шеърини келтириб ўтиш ўринлидир: Бир йигитнинг севган қизи бўлган экан. Қиз йигитга: «Менинг висолимга эришмоқчи бўлсанг, онангнинг юрагини суғуриб олиб кел» деб

буюради. Онаси қизнинг бу сўзларини эшитиб, «Ўғлим бахтли бўлсин!» дея, ўз юрагини суғуриб олиб беради. Ўғил қўлида онасининг юрагини ушлаб, севгилиси ёнига югуриб кетаётганида ногоҳон йиқилиб тушади. Шунда онанинг юраги тилга кириб: «Ёмон йиқилмадингми, ўғлим?» деб хитоб қилади.

Мен умрим давомида жуда кўп аёллар билан таниш бўлганман: яхшилари билан ҳам, ёмонлари билан ҳам. Аммо Анабиби онамиз сингари хушхулқ, самимий, ўз оиласига бутун борлигини бағишлаган, фарзандлари, невараларини еру қўкка ишонмайдиган вафодор, садоқатли аёлларни камдан-кам учратганман.

Мен ҳар сафар Абдураҳим ҳожининг уйига кириб дастурхон атрофига ўтиришим билан Анабиби онамиз қўлларини дуога очади. Эл-юртга тинчлик, омонлик, ёлғиз ўғлининг дўстлари, ёр-биродарлари, невараларига бахт-саодат тилайди.

Бу гал Беруний туманига Абдураҳим ҳожининг Эшон овулидаги уйига декабрь ойининг ўрталарида келдим. Қиш чилласи авжига минган пайт. Теварак- атрофни қалин қор қоплаган. Баданларни чимчилаб олувчи изғирин аралаш шамол кўз очиргани қўймайди.

Секин таниш дарвозани очаман. Ҳавонинг совуқ бўлишига қарамай, пойгақда чарх ўгириб ўтирган Анабиби онамизга кўзим тушади. Ҳол-аҳвол сўрашамиз. У киши дуога қўл очадилар. Зимдан онага назар соламан. Унинг боши эгик, кўзлари юмик, нималарнидир пичир-пичир қилади. Мен шу лаҳзада хаёлан шоир Муҳаммад Алининг «Она дуоси» деган шеърини эслайман.

Биринг-икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қилурман умрим борича.

Кўзингда кўрмасам олам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонат савдо.
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо!

Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қаронғу кўринса бу кўҳна дунё.
Кетсин деб қалбингдан ер етгур алам,
Ёришсин дунё деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса такрору такрор,
Кенгликка чиққинда айтгин шўх ўлан.
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.

Қадим эртақларни тинглаш создир ҳўб,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бебош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базмингга.
Номинг дoston бўлиб юрсин эл аро,
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагин минбаъд,
Фисқу фасодлардан нари бўл, ўғлим.
Олгину олдирма, униб-ўс фақат,
Тириклай гўримга киритма фақат.

Анабиби она дуо ўқиб, яна фотиҳага қўл кўтарди. Сўнгра деди:

- Тошкентлар тинчликми?
- Ҳа, тинчлик.
- Ҳамидулла ўғлим юрибдими?
- Ҳа, омон-эсон юрибди.
- Мендан салом айтинг.
- Ҳа, салом айтаман.

Анабиби онамиз қўлига чархини олиб, яна ип йигира бошлади. Мен саксонга яқинлашиб қолган бу аёлнинг ҳали ҳам меҳнатдан чарчамаганлиги, ўз ишига берилиб кетганлигидан ҳайратларга келдим ва ундан сўрадим:

- Ипни нима қиласиз?
- Қарима келиним невараларга бир нарса тўқиб берар.
- Ҳали ҳам меҳнатдан чарчамадингизми?
- Йўқ, меҳнат қилмасам, бир нарсага уннаб ўтирмасам зерикиб қоламан. Аллоҳ меҳнатдан қочган одамдан безор бўларкан. Ўлгинимча меҳнат қилиб кетишга нима етсин!

Биз Абдураҳим ҳожи билан секин ўрнимиздан турамыз ва меҳмонхонага чиқиб, суҳбатга киришиб кетамиз.

Мана уч йилдирки, Абдурахим ҳожи билан оилавий борди-келди қиламиз. Ана шу ўтган йиллар ичида мен унинг ажлод-авлодлари, фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан танишишга улгурдим.

Рус ёзувчиси Лев Толстойнинг бир ҳикматли гапи бор: «Сен бирор одамнинг маънавий қиёфаси - руҳий олами, қувончлари, ташвишлари, орзу-умидларини чуқурроқ билмоқчи бўлсанг, у яшаган овул, қишлоқ, шаҳар тарихини ҳам мукамал ўрганишинг керак. Акс ҳолда танишмоқчи, дўстлашмоқчи бўлган одам ҳақида ҳеч нимани билмайсан».

Бу гапларнинг замирида рад этиб бўлмайдиган ҳаётий ҳақиқат бор. Негаки, ҳар бир одам бутун ҳаёти давомида ўзи туғилиб ўсган манзилда асрлар бўйи шаклланган удумлар, урф-одатлар дунёсида яшайди. Яъни, инсон шаклланган муҳитнинг тарихини билмасдан туриб, бу ҳақда бирор нарса ёзиш мумкин эмас.

Абдурахим ҳожи Кат шаҳрида туғилди, тарбия олди, бола-чақалик бўлди. Ва ниҳоят, бу ерда мукамал инсон сифатида шаклланди, дунё таниди. Бас, шундай экан, Катнинг тарихини билмай, ўрганмай туриб, Абдурахим ҳожининг инсоний ва маънавий қиёфаси ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

*«Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»
И.Каримов*

Тарихингдир минг асрлар...

Ичра пинҳон, ўзбегим.

Сенга тенгдош Помиру

Оқсоч Тияншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу,

Сўйласин Ўрхун хати,

Қуҳна тарих шодасида

Битта маржон, ўзбегим.

Э.Воҳидов

Хоразмнинг энг қадимий пойтахтларидан саналган Кат шаҳрининг бунёд этилиши, тарихи билан танишиш қизиқарлидир: «Гекатий уни «Хорасмий» шаҳри деб атайди. Арабларнинг Ибн

Руста ва Ибн Фадлон каби дастлабки сайёҳлари уни Хоразм дейдилар. Агар Гекатийнинг Хорасмийси араб муаллифларининг Хоразмийсига тўғри келса, қадим замонларда Хоразмнинг пойтахти ҳам шу мамлакатнинг исми билан, яъни Хоразм деб аталган, дея тахмин қилиш мумкин. Мамлакат пойтахтини Табарий «Мадинат ал-Фил», Истахрий, Ибн Ҳавқал ва Мақдисийлар эса Кат ёки Кас деб, Беруний эса Фил ёки Фир деб атайди. Шу борада Ибн Ҳавқал «Хоразмнинг пойтахти Даржош бўлиб, у ҳалокатга учраган, шундан сўнг унинг аҳолиси унга қўшни бўлган бошқа «шаҳар»ни барпо этганлар. Хоразмчасига бу шаҳар Кас(Кат) деб аталган», деб хабар беради. Ёқут Ҳамавий эса бошқача таърифлайди. У «Хоразм шаҳарнинг номи бўлмай, бутун бир вилоятнинг номидир ва ўтмишда Хоразмнинг пойтахтини Мансура деганлар», - дейди.

«Унинг пойтахти, — деб ёзади Истахрий, -Хоразмчасига Кас дейилади. Унда қалъа бўлиб, қалъада ҳеч ким яшамайди. Унинг ичида шаҳар (мадина) бор, лекин уни дарё бузиб юборган, халқ эса унинг орқасига (бошқа) шаҳар (мадина) қуриб олган; дарё (ҳеч ким яшамайдиган) қалъа яқинига келиб қолганлиги сабабли, уни вайрон қилса керак, деб хавфланадилар. Жомеъ масжиди қалъа орқасида (ундан шарқроқда), Хоразмшоҳнинг саройи жомеъ масжиди ёнида ва зиндон (шу) қалъа яқинидадир. Шаҳар (мадина) ўртасида Жардур канали бор. Бу канал шаҳар ва бозорни икки қисмга бўлиб туради. Шаҳарнинг узунлиги учдан бир фарсахга, (2 км.дан ортиқ) тенг, кенглиги ҳам шунча, дарвозаларига келганимизда, шаҳарнинг бир қисми ва дарвозалари унинг вайрон бўлган қисмида йўқ бўлиб кетган. Қолган қисми эса, дарё бузиб кетган бўлагининг орқасига солинган».

Истахрийнинг ёзишига қараганда, шаҳар катта бўлган.

Орадан ўн беш йил ўтиб, яъни Ибн Ҳавқал даврида анча ўзгаришлар юз беради: «Унинг (Хоразмнинг) пойтахти Даржош эди, у ҳалокатга учраган ва кишилар унинг ёнида бошқа пойтахт қурганлар. У Хоразмчасига Кас дейилади. Унда (ҳалок бўлган шаҳарда) Арк ва Шаҳристон (Мадина) бўлган, Шаҳристонни дарё бўлиб юборган. Дарё Арк, Шаҳристон, Жомеъ масжиди ва Арк ёнидаги зиндонни вайрон қилган, шаҳардан асар ҳам, уй жойларнинг излари ҳам қолмаган».

Мақдисий шаҳар ҳақида тўққиз йилдан сўнг ёзади: «Кас(Кат)ни шаҳристон деб атайдилар. У (дарё) қирғоғида ва (катталиги бўйича) Нишопурга ўхшайди, дарёнинг шарқ томонидадир. Бозор жойининг

ўртасида жомеъ масжиди бор. Ҳукумат девони шаҳар ўртасида, арк бўлган, лекин уни дарё бузиб ташлаган»⁶.

Энди араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ўз «Саёҳатнома»сида тилга олинган мана бу сўзлари билан танишайлик:

«Биз тўрт кун йўл босиб, Қиёт (ал-Кот) шаҳрига етдик. Мана шу йўлда мўъжаз ва чиройли шаҳар бўлмиш Қиётдан ўзга манзил йўқ. Биз шаҳар мавзеида совуқдан музлаб қолган ҳовуз ёнида тўхтадик. Болалар муз устида ўйнаб сирпанишар эди. Шаҳар қозиси, Хоразм қозисининг уйида учратганим Садр аш-шариа менинг келганимни эшитиб, ўз шогирдлари ҳамда шаҳарнинг художўй ва тақводор шайхи Маҳмуд ал-Хивақий қуршовида мени қутлаш учун ҳузуримга келди.

Шунда шайх Маҳмуд деди:

«Одатда шаҳарга келганларни келиб кўришади, ниятимиз шундай экан, шаҳарнинг амири ҳузурига бориб, уни бу ерга олиб келайлик». Улар шундай қилишди. Бир оз вақтдан сўнг амир ўз мулозимлари ва маҳрамлари билан кириб келди. Биз у киши билан кўришдик. Биз тезроқ йўлга чиқмоқни хоҳлар эдик. Аммо амир бизнинг шаҳарда қолишимизни сўраб, зиёфат уюштирди, унга фақиҳлар, саркардалар ва бошқаларни таклиф қилди. Шоирлар амир шарафига мадҳиялар ўқишди. Амир менга уст-бош ва яхши бир от тухфа қилди»⁷.

Бир пайтлар Африғийлар сулоласининг пойтахти бўлиб турган Қас(Кат) қалъаси нафақат Хоразмнинг, балки Шарқнинг ҳам йирик маданият ўчоқларидан бири саналган.

Маълумки, Африғийлар Хоразмни учинчи асрдан то ўн учинчи асрга қадар бошқариб келганлар. Буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Беруний ўзининг асарларида Африғийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорларнинг рўйхатини тилга олиб ўтади: Африғ, Буғро, Сахасек, Аскажамук, Аскажувир, Сахир, Шовуш, Хамгири (Ҳамжард), Бўзгар, Арсамух, Сахр, Сабри, Азкижувар, Азкижамуғ, Шовшафар, Туксибоса, Абдулла, Мансур, Ироқ Муҳаммад, Аҳмад, Абу Абдулла Муҳаммад»⁸.

Шарқшунос Ҳамидулла Аминов ўзининг «Кат шаҳрига оид тарихий маълумотлар»⁹ номли мақоласида Катнинг тарихига оид қизиқарли маълумотларни тилга олади.

«Кат сўзининг луғавий маъносига тўхталсак, Кат — шаҳар, кўрғон, қалъа деган маънони беради. Лекин Катдан ташқари бу шаҳарни Қиёт ҳам деб атаганлар. Бу номнинг келиб чиқиши аслида

92 бовли ўзбек уруғлари билан боғлиқдир. Бизнинг фаразимизча, Катда асосан ўзбекнинг қиёт уруғига мансуб аҳоли яшаган бўлса керак. Тарихий манбаларда яна Катда Фил қалъаси ҳам бўлганлиги ёзилади. Бу сўзнинг маъносини халқ «Бу қалъада Хоразмшоҳлар лашкарининг филлари боқилган», деб изоҳлашади. Аслида, Фил қалъаси Фир бўлиб, Фир-Пир Хоразм шеvasида қадимдан улуг, катта, бузrug маъноларида ишлатилади. Демак, Фир қалъа - «Улуг, катта қалъа» маъносидадир!»

Ҳ.Аминовнинг ёзишича, X асрнинг охирларида ёзилган «Ҳудуд ал-олам» асарида Хоразм воҳаси ва Хоразмдаги бир неча шаҳарларнинг номи берилган. «Хоразм Мовароуннаҳрдан ғарбда, Кат Хоразмнинг бош қалъаси. Туркларнинг мол зотларининг омборхонасидир. Туркистондан, Мовароуннаҳрдан, Хазар минтақасидан келадиган савдогарлар макони. Унинг (қасабанинг) подшосини атрофдаги ҳокимлар Хоразмшоҳ деб аташади. Хоразмнинг аҳолиси Ислом динининг таянчи, жанговор, жасур. Шаҳар катта бойликка эга. У ердан ёстиқ қопи, сирма кийим, қоғоз, мато (карабас), кигиз ва бошқа товарлар хорижга чиқарилади».

Темурийлар даври тарихчиси Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Катнинг XI аср тарихи тўғрисида қисқача маълумот учратамиз. Асарнинг Салжуқийлар сулоласи тарихига доир қисмида Салжуқийлар султони Алп Арслоннинг қуйи Сирдарё бўйларига ва Хоразмга юришини тасвирлаб: «Султон Алп Арслон Жайхундан ўтиб, Хоразмни бошқаришни ўзининг ўғли Арслоншоҳга топширди. Катга келиб, унинг вайрон бўлиб ётганига назар солиб, бузилган биноларини қайта тиклатди. Бу ерда катта жомеъ масжидини солишни буюрди. Алп Арслон 1066 йили Катдан Марвга йўл олди»-деб ёзади. (МИТТ, 1939, 467-бет).

XIII аср сайёҳи Ёқут Ҳамавий Катнинг яна бир номи Мансура эканлигини ёзиб ва Кат билан Гурганж (Кўҳна Урганч) ўртасидаги масофа 20 фарсах эканлигини ёзиб, Мансурани сув босиб кетган ва унинг аҳолиси ҳозир Гурганжга кўчиб ўтишган, деб ёзади. Ёқут Ҳамавий Кат тўғрисида бир ривоят эшитганлигини ҳам ёзиб қолдирган. Эмишки, Пайғамбаримиз меърожга чиққан вақтида ушбу шаҳарни кўрганлар. Ундан нур чиқиб турган экан.

Кат қалъаси мўғиллар томонидан босиб олингандан сўнг, Чингизхон у ерда бир қисм кўшин қолдирган эди. Хўжанд ҳокими Темур Малик Хўжандни мўғиллар истило қилгандан кейин

Гурганжга келади. Гурганждан бир қисм лашкар олиб, Кат қалъасида Чингизхон қолдириб кетган қўшинни тор-мор қилиб, у ердан Жалолиддин Мангуберди изидан кетади. Демак, мўғиллар истилоси даврида ҳам Кат қалъаси Хоразмдаги энг мустақкам қалъалардан бири бўлган. XIII асрнинг биринчи ярмида, мўғиллар истилосидан кейин Марказий Осиё Жўжи ва Чигатой улусига бўлинади. Шарқий Туркистон ерлари, шунингдек, Кат ва Хива қалъалари Чигатой улусига киради. 1360-йиллари Гурганжда ҳокимият тепасига келган Сўфилар сулоласи вакили Хусайн сўфи Кат ва Хивани ўз ерларига қўшиб олади. Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур билан Хусайн сўфи ўртасида келишмовчилик чиқиб, 1372 йили Амир Темур Хоразмга юриш қилишга мажбур бўлади»¹⁰.

Бу ҳақда Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида анча батафсил маълумотлар берилган:

«У йил сичқон йили эди. Амир Соҳибқирон лашкарини тартибга келтириб, қуроллантириш билан машғул бўлди. Ғалабаёр лашкарга ҳисобсиз мол, кўплаб от ва совут анжомлари тарқатишни буюрди. Сўнг Хоразм томон юришга жазм қилди. Тоғадоғ ва Сепоя мавзеидан ўтганларида қаршиларидан душман қаровули чиқиб келди. Зафарёр лашкарнинг бир тўдаси уларга ҳамла қилиб, ғалаба қазонди ва уларни тутиб, ёсоққа етказдилар.

Буни муборак орол деб билиб, у ердан ўтдилар ва Кат ҳисорига етдилар. У ерда Байрамхўжа ясовул Хусайн сўфи томонидан шихна эди, Муайяд қози эса ҳукмронликда унга шерик эди. Лашкар у ерга етганида ночор ҳисор дарвозасини маҳкам беркитдилар ва аррода, тири чархларни тайёрлаб турдилар. Амир Соҳибқирон буйруғига кўра аскарлар ўтин ва хос-хашак йиғиб келиб, хандақни тўлдирдилар. Сўнгра (Амир Соҳибқирон) Кўча Малика хандақга тушишни буюрди, аммо унга қўрқинч ғолиб келиб, туша олмади. Шунда Хумори ясовулга ишора қилган эди, у фармонга бўйсиниб, хандақга тушди, Мубашшир, Тойхўжа унинг кетидан эргашдилар. Буни кўрган лашкарлар тўхтовсиз хандақга тушдилар ва сувдан кечиб ўтдилар. Шайх Али баҳодир биринчи галда фасил тепасига кўтарилди, Мубашшир ҳам чиқиб олмоқчи бўлиб, унинг оёғидан тутган эди, эплай олмади, икка ерга йиқилдилар. Шайх Али баҳодир яна фасил тепасига чиқди, душман унга найза ўқталган эди, у найзани тортиб олиб синдирди ва душман бошига қилич солди. Лашкар аҳли ҳар томондан йўл очиб, қалъага кирдилар. Душман сипоҳини қиличга ем қилиб — ҳаммасини ҳалок этдилар, мол ва

аслаҳаларини таладилар. Вилоят асирларини (Самарқандга) қайтариб, эртаси у ердан кўчиб, Хоразм томон жўнадилар»¹¹.

Шу ўринда Амир Темурнинг келини, Хоразм маликаси Хонзодани ҳам тилга олиб ўтиш зарур. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гурганж ҳокими Хусайн сўфининг акаси Оқ сўфи Олтин ўрда хони Гиёсиддин Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизи Ширинбекага уйланади. Ширинбекадан Севинбека исмли қиз туғилади. Онаси хонзодалар авлодидан бўлганлиги сабабли Севинбека ўз номи билан эмас, балки Хонзода деб ном олган. Хонзода ҳусн, латофат ва ақлда тенгсиз бўлган.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Хоразм маликасининг шўхратини эшитган Амир Темур уни тўнғич ўғли шаҳзода Жаҳонгирга олиб бериш учун совчилар юборган. Бу ҳақда тарихчи шундай ёзади:

«Шаввол ойида, тарих етти юз етмиш бешда, барс йилида (1374, март) аввали баҳорда Соҳибқирони комкор фармонладиким, Ёдгор барлос бинни Лолаким, Қорачор нўённинг ўғлонларидан эрди ва Довудбек ва Ўлжатойбекни подшоҳона бўлақлар билан Хоразмга юбордиким, Маҳди улё Хонзодани келтиргайлар. Беклар Хоразмга бориб, Юсуф Сўфий аларни азиз тутиб, тўйлар берди. Ва алар тақи ўзлари била келтурғон бўлақларни (совғаларни) ангга тортиллар.

Бўлақларни олғондин сўнг Юсуф сўфи яхши тўй тортиб, Хонзодани юборди, яхши яроқ (сеп) биланким, подшоҳларга муносиб бўлғай. Беклар бировни Самарқандга чоптурдилар ва келганларидин хабар юбордилар. Бекларнинг келганидин Ҳазрат Соҳибқирон хабар топиб, Қуртқа хотунким, ғайдухон ўғлоннинг хотуни эрди, бўлғон бекларнинг хотунлари ўтру юборди. Алардин сўнг шаҳарнинг содот ва қуззот ва уламо ва машойиху арбоблари Кот (Қиёт)қача ўтрув бордилар».

Урганчдан чиқиб, Самарқандга йўл олган келин карвони Катда уч кун меҳмон бўлиб, тўртинчи кун Мовароуннаҳр пойтахти томон йўл олади.

Айрим тарихий манбаларда тилга олинишича, буюк бобомиз Муҳаммад ал-Беруний туғилиб ўсган бу шаҳарда Фаридуддин Аттор, Ибн Сино, Муҳаммад аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубролар бир неча марта тўхтаб ўтишган.

Бир пайтлар Катда алгебра фанининг асосчиси, буюк астраном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий илмдаги ўз йўлини бошлаган.

Шу ўринда Кат қалъаси ҳокими Абу Абдуллоҳ ҳазратлари билан ёш олимнинг муносабатларига доир бир лавҳани тилга олиб ўтиш ўринли бўлади.

... Саройдан навкар келиб, Амир Абу Абдуллоҳ ёш олим Муҳаммадни ҳузурига чорлаётганини билдирди.

Хос навкар Муҳаммадни тўқ қизғиш тусда жило берилган улкан хонага бошлаб кирди. Муҳаммад атрофга яхшилаб аланглаб улгурмасдан чап томондаги нақшинкор эшик товушсиз очилди ва симобий чопон кийиб, салла ўраган хушсурат Амир Абу Абдуллоҳ кириб келди.

Муҳаммад тавозеъ ила эгилинқираб салом берди. Афтидан Амир шошилаётган бўлса керак, саломга алик олиб ўтирмасдан тўғри бориб, тахтга ўтирди-да, нечукдир қизил сахтиён этигининг бургутнинг тумшуғи мисоли учидан кўз узмай, салобатли, гулдираб эшитаётган овозда, деди:

— Раиятда Муҳаммад ибн Мусо юлдузлар билан сўйлаша олурмиш, қуёшнинг қачон ботиб чиқишини-ю ойнинг Жайхунга қандоқ таъсир кўрсатишини олдиндан башорат этурмиш, қабалидаги миш-мишлар юрибди. Мен эл оғзида юрган энгил гап-сўзларга унчалик ишонмаймен. Аммо Жайхуннинг ўзини қандай тутиши борасидаги башоратларинг рўёбга чиқди. Шунинг учун, энди, Амир истеҳзоли кулди, -менга баъзи падаркуш кимсаларнинг кўнглидаги асл ниятларини билиб берасен, айниқса, Гурганжнинг маккор ҳокимининг... Амир биринчи бор бошини кўтариб, биринчи бор Муҳаммадга тик қаради.

— Эшитган эдимки, адашмасам, юнон донишмандларидан бири айтганидек, ҳукмдор масъул амалларга йигирма етти ёшдан ошмаган йигитларни танламоғи зарур экан. Гўёки бу ёшда одам етарли даражада илмга ва бошқарув салоҳиятига эга бўларкану, аммо дўстни душмандан ажратиб олиш санъатини эгаллай олмас экан. Балки юнон донишманди ҳақдир. Хуллас, менга ёш, садоқатли, ишбилармон маслаҳатчи зарур. Сен менинг ишончимни қозонишга уриниб кўр, кейин афсус чекмайсен... Хўш, ҳозир нима муҳтожлигинг бор?

— Менга... менга ҳеч нарса керакмас, -довдираб қолди Муҳаммад.

— Боракаллоҳ, сенга истаган фурсатда саройимизга кира олиш ваколатини берамен. Хўш, бизнинг топширигимизни адо этмоғинг учун яна қандай кўмак лозим?

Муҳаммад энди ўзини сал ўнглаб олди. Унинг тушунгани шу

бўлдики, эътироз билдиришдан наф йўқ. Биргина йўл қолди, у ҳам бўлса, шароитга мослашиш. Агар яхшилаб ўйлаб кўриладиган бўлса, топшириқ ўз йўлигаку-я, лекин кўнгилдаги ниятларни рўябга чиқариш учун қанчадан-қанча имкониятлар, тугилади, ахир! Дейлик қорин ташвишидан қутилиб, фалакни кузатиш борасидаги тажрибаларини бемалол давом эттириши мумкин. Бироқ, энг муҳими бу ҳам эмас. Энг муҳими... Муҳаммад яна бир чуқур таъзим қилди.

— Давлатпаноҳ, агар изн этсангиз, ягона бир илтимосимни айтсам. Эшитишимча, саройингизда бой кутубхона бор эркан. Рухсат этсангиз, мен ўшандан фойдаланиб турсам.

— Шаксиз, шаксиз, мурувваткорона кулимсиради Амири Абу Абдуллоҳ. Бироқ, айтишларича, сен шусиз ҳам ҳамма нарсани билармишсен.

— Ҳамма нарса фақат Яратган Эгамгагина аён. Камина эса илмлар уммонидан ҳалигача бир томчи ҳам ололганим йўқ.

— Мақташга арзигулик камтарлик... ҳай, майли, боравер. Фақат бугун айтганларим ёдингдан чиқмасун.

Афтидан, ҳукмдор ёш суҳбатдошининг ўзини тутишидан ризолик туйди, шекилли, кулимсираб қўйди. Ўша кундан эътиборан Муҳаммад ал-Фир саройидаги қадимий қўлёзмалар ва китоблар сақланадиган кутубхонани тез-тез зиёрат қиладиган бўлди.

Ҳар гал Муҳаммад кутубхона эшигини очаркан, ўзини бамисоли сирли оламга кириб бораётгандай ҳис қиларди. Кутубхона эса ҳақиқатан жуда бой эди. Бу ерда фалакиётшунослик, илми нужум, жуғрофияга оид китобларни ҳам учратиш мумкин эди. Тўғри, Муҳаммад фақат форс, араб ва юнон тилларинигина билгани учун баъзи китобларни ўқий олмасди; хусусан, ҳиндларнинг қадимги санскрит ёхуд яҳудий тилида битилган қўлёзмаларни, улардаги ажойиб ва ғаройиб жадвалларни кўздан кечираркан, ёш олим аламдан бармоқларини тишларди. Мана олдида бебаҳо хазиналар жойланган сандиқ, фақат унинг калитини топса, яъни тил ўрганса бас... Аллоҳга шукроналар бўлсинки, қўлёзмаларни асраш, таъмирлаш билан шуғулланиб юрадиган сийрак соқол Насриддин отадан санскрит ва яҳудий тиллари бўйича қўлланмалар бор экан. Муҳаммад ҳайрат билан тил ўрганишга киришиб кетди.

Ҳамма нарса муқоясада билинади. Муҳаммад номаълум ҳинд олими тузган жадвалдаги баъзи бир рақамлар тартибини кўздан кечирар экан, ўзининг қайта-қайта ҳисоблашлари натижасида

кўнглида иштибоҳ пайдо бўлдию, дарҳол Насриддин отанинг ҳузурига шошди.

— Ота, сизда форсийда битилган «Зижи аш-Шоҳ»дан бошқа рисолалар ҳам борми?

Ота сийрак соқолини силаб, бир ўйга толди.

— Ҳа, бор ўғлим.

— Бир қур кўздан кечирсам дегандим.

Ота бош чайқади.

— Бағоят қимматли нодир китоблар. Фақат бекам Ойшабонунинг рухсатлари билангина берилади.

— Малика Ойшабону Амир Абу Абдуллоҳнинг қизими?

— Ҳа, маликамиз мутолаани жуда севадилар, — эҳтиром билан гапида давом этди ота. — Ҳар ойда бир марта кутубхонамизни зиёрат қилиб турадилар.

— Яна қачон ташриф буюришлари мумкин?

— Икки кунлардан сўнг.

— Илтимос, у кишига мен ҳақимда бир оғиз айтиб кўрсангиз, — Муҳаммад кўйнидаги ҳамёндан бир танга олиб узатди. Аммо отахон кескин ҳаракат билан унинг кўлини қайтарди.

— Камина кўп йиллик хизматим давомида мутолаага меҳр кўйган инсонларни камдан-кам учратдим. Сиз ўшалардан бирисиз. Илм чашмаси томон интилаётган бандага кўмак бермоқликнинг ўзи савоб иш, ўғлим... Мен фурсат топиб, албатта, сиз ҳақингизда маликага айтамен.

— Миннатдормен, ота.

Насриддин ота ваъдасини унитмаган экан. Ҳафтанинг учинчи куни Муҳаммад остонага қадам кўйган палла қаршида ўзига синчковлик билан термулиб турган гўзал қизга дуч келди. Бундай учрашувни кутмаган йигит довдираб қолди. Буни сезган малика шарақлаб кулиб юборди.

— Муҳаммад ибн Мусо деганлари сизмисиз?

Бир қадам орқага чекинган малика йигитни диққат билан кўздин кечиришда давом этди. — Сиз ҳақингизда яхши сўзлар эшитган эдик. Илтимосингиздан ҳам бохабармиз. Майлингиз, нодир китоблардан бемалол фойдаланинг. Фақат шартини шулки, ҳафтада бир маротаба ўз ўқиганларингизни мухтасар баён қилиб берурсиз?!

Муҳаммад миннатдорчилик билдириш учун оғиз жуфтлагунча бўлмаб, малика ортига бурилдида, уч-тўрт аёл ҳамроҳи сафида ичкарига кириб кетди.

Насриддин ота малика рухсат этган қимматбаҳо китоблардан дастлабкисини оҳиста кўтариб келди. Муҳаммад қалин жилдни эҳтиёткорлик билан очди ва қувончдан кўзлари чақнаб кетди. Омадни қаранг, унинг кўлида «Брахма гупта Синдҳинд» китоби турарди. Муҳаммад Ҳиндистонда битилган ушбу машҳур рисола хусусида кўп эшитган эди. Шарқда уни «ас-Синдҳинд» ёхуд «Катта Синдҳинд» номлари билан юритилишидан ҳам воқиф эди. Унинг билишича, «Синдҳинд» сўзи қадимги ҳинд тили санскритча «Синдҳанта», яъни «Фалакиётшуносликдан рисола» сўзининг сал бузилган кўриниши эди. Араб ва форс тилида ёзилган китобларда ҳам ушбу қўлланма кўп бор тилга олинади. Рисола муаллифи улуг олим Браҳма гупта ҳақидаги афсонавий ривоятларни эса Муҳаммад ҳам Хивада таълим олиб юрган чоғларидаёқ эшитган эди. Ҳатто бир аср муқаддам яшаб ўтган алломанинг араб тилига ўтирилган «Зиж ал-Арканжа» жадвали билан ҳам яқиндан таниш эди. Мана, ниҳоят ҳинд фалакиётшунослари тадқиқотлари тизимининг моҳиятига нигоҳ ташлаб кўришдек ажойиб имконият пайдо бўлди. Аллоҳга шукроналар бўлсин...

Бу лавҳалар ёшлик умрининг бир қисмини Катта ўтказган буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий ҳаётининг айрим қирраларини акс эттиради.

Дарҳақиқат, бир пайтлар Хоразм пойтахти Кат Марказий Осиёдаги йирик маданият ўчоқларидан бири бўлган. Буни қалъани ўз кўзи билан кўрган араб жуғрофи ал-Мақдисий ҳам эътироф қилади. Унинг ёзишича, «шаҳар (Кат) ғоят даражада кўркам, унда фозилу олимлар, нафис адабиётнинг кўпдан-кўп билимдонлари бор...». Катнинг бир миллиондан ортиқ аҳолиси ҳақида «Худуд ал-олам» китобида қуйидаги сатрларни учратамиз: «Катнинг кишилари - иймон учун курашувчи жанговор кишилардир».

Ниёзмухаммад эшон авлодининг вакилларида бири, элнинг фидойи фарзанди, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган Абдурахим ҳожи дунё маданиятининг ўчоқларидан саналган Кат шаҳри ҳудудида туғилиб, катта ҳаёт йўлига қадам кўйди. Эҳтимол унинг ота-боболари, шу жумладан, ўзи ҳам Катлик буюк боболарининг мардлиги, олижаноблиги, самимийлигини мерос қилиб олган бўлса не ажаб?!

ЮРТНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

«Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, ҳалқимиз омонлигини яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб софниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди».

И.Каримов

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар билан бир марта учрашсанг янада учрашгинг, дийдор кўришгинг, мириқиб суҳбатлашгинг келади. Негаки, бу хилдаги кишилар ҳамиша эл-юрт манфаати билан яшайдилар. Менинг тасаввуримда ана шундай саховатпеша, мард, фидойи инсонлардан бири Аминжон эшон ўғли Абдурахим ҳожидир.

Мен Абдурахим ҳожи билан илк марта 2003 йили танишганман.

Куз ойининг бошлари... Далалардан арпа, буғдойлар аллақачон йиғиштириб олинган. Тафти пасайган қуёшнинг илиқ нурлари шарбатга тўлиб етилган анжир, узум доналарида айрича товланади. Уфқлар билан туташиб кетган далалар, қирларда мезонлар учади. Майин эсаётган шабада олис-олислардан аллақачон пишиб етилган исириқларнинг ҳидини олиб келади.

Амударёнинг ўнг қирғоғида Қоратов ва Султон Увайс номлари билан аталувчи тоғлар жойлашган. Ҳар иккала тоғ ҳам ўзининг фусункор чўққилари билан кўзни қамаштиради. Бир марта тамошо қилган одамнинг яна ҳам тамошо қилгиси келади.

Ҳар галгидек бу гал ҳам Қоратов билан Султон Увайс тоғларини мириқиб тамошо қилдим.

Мана рўпарамда Султон Увайс тоғининг этаклари... Олисида авлиёлар султони Султон Увайс Қараний шарафига тикланган мақбара элас-элас кўзга ташланади. Сўнгги йилларда мустақиллик шарофати туфайли бу ерда янги масжид, таҳоратхона, зиёратчилар учун махсус хоналар қурилган.

Куёвимиз Шуҳратнинг «Дамас» русумли машинасида қадамжо томон йўл оламыз.

Мен хаёлан Султон Увайс бобо ҳақида ёзилган китобларни, айтилган фикрларни эслашга ҳаракат қиламан. Халқнинг меҳр-муҳаббати, эътиборини қозонган ул буюк зотнинг ҳаёт йўлини тиклашга интиламан.

Буюк боболаримиз Фаридиддин Аттор, Алишер Навоийнинг сўзларига мурожаат қиламан, Султон Увайс бобо ҳақида битилган Ҳасанбой Маткарим эшон ва Абдурахим Аминжон эшонларнинг «Султон Увайс ғорайнин мақбараси тарихи», Ҳамидулла Аминовнинг «Султон Увайс бобо» деб номланган китобларини ўқиш пайтида туғилган фикрларимни бир жойга жамлашга ҳаракат қиламан. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай ёзади: «Нақлурки, ҳазрати Рисолат оламдин ўтарда асҳоб...сўрубдирларким, Сизнинг мураққаъ кимга ҳаволадур? Дебдурларки, Увайс Қаранийга берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо қилсун. Ҳазратдин сўнгра Форук ва Муртазо Кўфага бориб, Яман элидин сўраб, Қаранда Увайсни топдиларким, тева кутиб юрур эрди. Мураққаъни топшуруб, уммат учун дуо истидьо қилдилар ва бу маънида сўз кўптур. Шарҳ била билайин деган киши «Тазкират ул-авлиё»ни ўқусун. Онинг ҳолатини тамом битиса, яна бир бошқа китоб битимак керак.

Ухуд урушида Пайғамбарнинг муборак тишин шаҳид бўлғонин эшитиб, мутобаат учун ўтгуз икки тишини ушотти. Ҳар биринки, ушотур эрди, дер эрдик, шояд бу тиш эмас эрди экан. Яна бирни ушотур эрди. То мундоқ қилиб, барча тишларни ушотти. Ва ҳазрати Рисолатни кўрмабдур эрди ва ул ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи билан кўрмабдур эрдилар. Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они Увайсий дерлар».

Сўнгра шарқшунос Ҳамидулла Аминовнинг китобига мурожаат қиламан:

«Султон Увайс бобомиз ҳақида Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдулҳақ Деҳлавийнинг «Ашаъат ул-ламаот», Ибн Саъднинг «Табакот», Абу Наимнинг «Ҳулиййа», Абулқосим ал-Ҳазақийнинг «Фавойид», Имом Суютийнинг «Жамъ ул-жавомеъ» ҳамда Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида батафсил маълумотлар бор. Ибн Асокир ва Хатиб Бағдодийнинг тарихий асарларида ҳам бу тўғрида маълумотлар учрайди. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида, Абдулҳай Лакнавийнинг «Умда» асарининг муқаддимасида ва Алий ул-қорининг «Мирқот» асарида қисқача маълумотлар берилган. Яна Мавлоно Алий ул-қори Султон Увайс Қараний ҳақида тўлиқ бир китоб (рисола) ҳам ёзганлиги маълум. Собир Сайқалий

Ҳисорийнинг «Вайсул Қаран» номли шеърий достони қўлёмаси **Абу Райҳон Беруний** номидаги Шарқшунослик институти **қўлёмалар фондида** сақланади. Ундан ташқари мазкур қўлёмалар **фондида Султон Увайс бобомиз** ҳақида катта-кичик ҳажмдаги қўлёмалар ҳам бор. Бу қўлёмалардан «Қиссаи Увайс» деб номланган (халқимиз орасида бу шеърий қисса «Султон Увайс бобо меърожи» ёки «Меърожнома» деб ҳам юритилади) қиссанинг баъзи қиссларини **Давлатёр Раҳим ўз рисоласида** келтирган. Шунингдек, **Султон Увайс бобомиз** ҳақида айтилган ҳадисларни муҳаддислардан **Имом Байҳақий, Имом Муслим, Ҳоким ва Ибн Адийлар** ҳам ўз асарларида келтирганлар¹².

Хаёл билан банд бўлиб, Султон Увайс бобо зиёратгоҳига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман.
— **Машинани қаёққа ҳайдай!** — сўрайди **Шухрат**.
— **Мақбара томон ҳайда,** — дейман мен унга.
Дамас секин юради. **Бир неча дақиқалардан кейин биз мақбара олди**га етиб келамиз.

— **Дада, дада,** бу мақбара қачон қурилган? — ҳоли жонимга кўймай сўрайди биз билан юрган неварам **Иброҳим**.
— **Илтимос,** айтиб беринг, — дейди **Шухрат** ҳам.
Мен уларга **Ҳамидулла Аминовнинг** китобида тилга олинган мана бу тафсилотларни сўзлаб бераман:

«**Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ** буйруғига биноан **Султон Увайс** дафн этилган жойда катта мақбара қурилади. Аммо **Чингизхон** томонидан **Хоразмга** қилинади. **Хоразмшоҳ** қурдирган **Чингизхон** мақбара вайрон қилинади. **Хоразмшоҳ** қурдирган **Чингизхон** давридан кейин ҳам ярим вайрона ҳолатда сақланиб қолган.
Орадан қарийб 600 йил ўтгандан кейин **Хива хони Элтузархон** томонидан 1805-1806 йилларда мазкур мақбара қайта тикланади. Аммо **Хоразмда** бўлган қаттиқ зилзила ва сув тошқинлари туфайли мақбара кулаб тушади.

Олимларнинг кўрсатишларига қараганда, ушбу воқеадан кейин 30 йил ўтгач, **Муҳаммад Раҳимхон I** нинг ўғли **Абдураҳим** 1836-1837 йилларда мақбарани қайта тиклайди. Шунингдек, **Аллоҳқулихон** шаҳзодалик таъинишида у ҳеч қачон **Оренбургда** бўлмаганлигини айтиб қолган. **Аллоҳқулихон** шаҳзодалик таъинишида у ҳеч қачон **Оренбургда** бўлмаганлигини айтиб қолган. **Аллоҳқулихон** шаҳзодалик таъинишида у ҳеч қачон **Оренбургда** бўлмаганлигини айтиб қолган.

ҳафтадан кейин хон бўласан, дейди. **Аллоҳқулихон** ўрнидан тургач, шу ерда чўпонлик қилиб юрган бир одамдан: — Бу ерларда қандай хосият кўрдингиз, деб сўрайди. Чўпон: — **Менинг отам** ҳам бу ерларда чўпонлик қилган, у бу жойда **Султон Увайс** деган бузrugнинг мақбараси бўлаганлигини айтар эди. Мен ҳам бу ерларда йигирма йилдан кўпроқ чўпонлик қилиб юрибман. **Ҳақиқатдан** ҳам кўйларим бир жойни ҳеч ҳам босишмайди, нукул айланиб ўтишади, — дейди. **Аллоҳқулихон** ўша жойни кўрсатинг, дейди ва кўйларни ўша тарафга қараб ҳайдашни буюради. **Ҳақиқатдан** ҳам ўша жойга келишганда кўйлар бу ердан айланиб ўта бошлайдилар. **Аллоҳқулихон** ўша табаррук жойни белгилаб қўяди. Бу ўша зилзила ёки сув тошқинида вайрон бўлган мақбаранинг ўрни эди.

Аллоҳқулихон **Хивага** келгач, **Муҳаммад Раҳимхон I** вафот этади ва халқ уни хон қилиб кўтаради. Туши ўнг келганини кўрган хон буйруғига биноан **Султон Увайс бобомиз** шарафига мухташам нақшинкор мақбара қурилади бошланади. Лекин орадан бир оз муддат ўтгач, **Аллоҳқулихон** яна туш кўради. Тушига **Султон Увайс бобомиз** кириб, шундай дейди: «Мен бир оддий одамман, умр бўйи камтар, хоксор яшадим. Шунинг учун одамларинга айт, менинг ўзимга яраша камсуқум мақбара қурсинлар». Шундан кейин **Аллоҳқулихоннинг** амрига мувофиқ бизгача етиб келган мана шу мақбара барпо этилган¹³.

Биз шошилмай мақбарани зиёрат қилиб, кетишга чоғланамиз. Шу пайт қадамжонинг хос хизматкорларидан бири ёнимизга келиб бир пиёла чой ичиб кетишимизни ўтиниб сўради. Биз рози бўлдик. Хонада бизларни қорамағиз юзли, истараси иссиқ, бир киши илтифот билан кутиб олди.

— Мен **Султон Увайс бобо** зиёратгоҳининг имом хатиби **Абдураҳим** ҳожи бўламан, дедилар. **Навбати** билан мен ўзимни ва ҳамроҳларимни таништирдим. Шу тариқа орамизда бошланган гурунг қизиди. **Абдураҳим** ҳожи ўзи ва оиласи ҳақида, зиёратгоҳда олиб борилаётган ободончилик ишлари хусусида тўлқинланиб гапириб берди.

Мана шу воқеа сабаб бўлиб, биз дўстлашиб қолдик. **Борди-келдимиз** бошланди. **Гапнинг** тўғриси айтсам, мен бу самимий, соддадил, одампарвар, осмонқалб, фидойи инсонни чин дилдан севиб қолдим. Унинг муомаласи, оқибати, адолатпарварлиги, садоқати, оилапарварлиги ҳар қандай одамни ўзига мафтун этмасдан иложи йўқ.

Шундай қилиб, мен бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Муслмонлар идораси махсус жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили, Қорақалпоғистон Республикаси Муслмонлари қозисининг ўринбосари, Беруний тумани бош имоми, Султон Увайс зиёратгоҳи масжидининг имом-хатиби Абдурахим ҳожининг ҳаёт йўли билан танишишга жазм қилдим.

Абдурахим ҳожи Аминжон эшон ўғли 1956 чи йилнинг 14 июлида Беруний тумани ҳудудида жойлашган Шаббоз (собик Правда) қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли Эшон овулида таваллуд топган. 1963 йилида қишлоғидаги «Правда» (собик) номли мактабга ўқишга борган. 1973 йили ўрта мактабни битириб, шу йили Тошкент Давлат Университетининг Эрон ва Афғон тиллари бўлимига ҳужжатлар топширган. Аммо, немис тили фанидан қониқарсиз баҳо олганлиги туфайли ўқишга киролмай қолган. Тиниб-тинчимас ва тиришқоқ Абдурахим омадини синаб кўриш мақсадида Тошкент Қишлоқ Хўжалик институтининг Ўрмон хўжалиги факультетига қайта ҳужжат топширади. Бу сафар омад унга кулиб боқади.

Олийгоҳни муваффақиятли тугатган Абдурахим 1978 йил Беруний тумани Ирригация, ўрмон хўжалиги бошқармасининг аввал муҳандиси, сўнгра бошлиғи сифатида фаолият юритади. 1983 йил Беруний тумани Ижроия кўмитасининг қарори билан туман РАПОси бош гидротехник-муҳандиси лавозимига тайинланади. 1986 йилдан бошлаб, РАПО бош муҳандис-ирригатори даражасига кўтариллади. 1988 йили Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг ўсимликлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш туманлараро бўлими бошлиғи сифатида хизмат вазифасини давом эттиради. Бу масъулиятли лавозимда 1990 йилга қадар хизмат қилади.

1990 йили Беруний тумани уламолари йиғилишининг қарори билан Абдурахим Аминжон эшон ўғли шаҳардаги Кечирмас бобо масжидига имом-хатиб бўлиб сайланади. Айни бир пайтда Абдурахим ҳожининг шахсий ташаббуси билан қаровсиз қолган Шайх Аббос Валий масжидида ободонлаштириш ишлари бошланиб юборилади. Бу хайрли ва савоб иш 1993 йилда ниҳоясига етказилади. Натижа шу билан тугайдик, Кечирмас бобо масжиди ўрнига Шайх Аббос Валий масжиди расмий жиҳатдан рўйхатга олинади.

Шу ўринда ўз-ўзидан табиий савол туғилади? Хўш, расмий рўйхатдан ўтган Шайх Аббос Валий ва унинг шарафига бунёд этилган мақбара ҳақида нималарни биламиз.

Бу ҳақда илмий тадқиқот ишларини олиб борган шарқшунос Ҳамидулла Аминовнинг мулоҳазалари билан танишиш қизиқарлидир.

«Шайх Аббос Валий мақбараси ҳақида гапиришдан аввал унинг шахсияти ҳақида икки оғиз сўз. Аввало шуни айтиш лозимки, Шайх Аббос Валийнинг ким бўлганлиги, асли қаерлик эканлиги, ҳаёти ва ижоди ҳақида афсонавий ривоятлардан бўлак маълумотлар ҳалигача топилмаган. Шарқшунос олим Г.П.Снесарев Беруний тумани ҳудудида бир неча марта бўлиб, мазкур туманнинг илгариги номи Шаббоз топоними билан қизиқиб қолади. Суриштиришлари натижасида Шаббоз бува ёки Шайх Аббос Валий ҳақида бир қанча афсоналарга дуч келади. Снесарев ўша афсоналарга ҳамда В.Бартольднинг XIII асрда кўргина ҳукмдорлар сўфийлик йўлига ўтиб кетди, деган маълумотига асосланиб, Шаббоз буванинг шахсини аниқлашга уринди. Лекин бунинг уддасидан чиқа олмайди. Биз учун бу уни Туркиялик деб берганлиги аҳамиятга моликдир. Хоразмлик муаллифларнинг яқинда чиқарган «Тазкират ул-авлиё» асарида (ғамариддин эшон Муҳаммад Карим эшон ўғли, Комилжон Дурди ғилич ўғли. Тазкират ул-авлиё. Хонқа-1997) «Зикри ҳазрати Шайх Аббос» қисмида Шаббоз бобони Исломнинг буюк мутафаккир олими Муҳаммад Ғаззолийнинг қариндоши ва ҳамсабоқ шериги, деб келтирилган. (Бундан Шаббоз бобо Эроннинг Тус шаҳридан экан деган хулоса чиқади). Асарда Шаббоз бобонинг вафот этган йилини 784 ҳижрий, яъни 1382 милодий йил деб зикр қилинган.

Авлиёлар ҳақидаги ўнлаб асарларда унинг номи учрамайди. Лекин Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарининг ўзида 21 та Шайх Аббос ҳақида (баъзиси Абул Аббос номи билан) гапирилган. Менинг ўзим ўттизга яқин Шайх Аббослар ҳақида маълумотга эгаман. Аммо уларнинг қайси бири Шайх Аббос Валиймиз эканлиги аниқ эмас. Лекин шуниси маълумки, бизнинг Шайх Аббос Валий бобомиз XIII асрдан аввал яшаб ўтган ва ҳақиқатан ҳам бизнинг туманимиз марказига дафн қилинган. Бунга далил Хоразмнинг машҳур тарихнависларидан бири Баёний ўзининг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида Яссавийликнинг шайхи Саййид отанинг муриди Нўғдойбий (Нангидой) ҳақида гапираётиб, у Нўғдойбийни қадимий Катга кўчиб келганлигини ҳамда бу ерда (тахминан 1238-40 йиллар орасида) вафот қилганлигини ёзиб, уни Шайх Аббос Валий мақбараси ёнига дафн

черкови Тошкент ва ўрта Осиё Епархияси, Евангел Христиан Баптистлар черковлари иттифоқи, Рим-Католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1884 та масжид, 174 та христианлар черкови, 8 та яҳудийлар жамоаси, 5 та Баҳойийлар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 12 та диний ўқув юрти (1 та ислом институти, 10 та мадраса ва 1 та православ семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган»¹⁵.

Бас шундай экан диний қадриятлар исломий тушунчаларни гард юқтирмай покиза сақлаш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Бу ҳақда фикр юритар экан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов мана шундай дейди:

«Ҳозирда олдимизда турган долзарб вазифа ана шу диний эркинликлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, бутун саъй-ҳаракатларимиз ва барча имкониятларимизни жамият равнақиға қаратишдан иборатдир. Чунончи, баъзи хорижий мамлакатларда рўй бераётган миллий ва диний низолар биз учун сабоқдир. Динни сохталаштириш, дин ниқоби остида ғаразли мақсадларға интилиш, сиёсатға аралаштиш каби салбий ҳоллар динимизнинг асл моҳиятиға ҳам, жамият қонун-қоидаларига ҳам зиддир. Айниқса, охириги пайтларда дин аҳлиға берилган кенг эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишға уринувчилар ҳам пайдо бўлди. Масалан, хориждан юртимизға кириб кела-бошлаган турли бузғунчи оқимлар ислом фундаментализми экстремизм, ақидапарастлик ва мутассиб кўринишларда намоён бўлди. Диний фундаментализм, ақидапарастлик, ўзга динларға тоқатсиз бўлиш каби кирдикорларни фош этиш ҳамда кескин зарба бериш жаҳон афкор оммаси олдида турган умумий вазифадир»¹⁶.

Абдурахим ҳожи қаерда ва ким бўлиб фаолият юритмасин, у ҳаминша диний қадриятларни асраб-авайлаш, турли хил бузғунчи оқимлар, ақидапарастлик ва мутаассиб кўринишларға қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор беради. Айниқса унинг олиб бораётган бунёдкорлик ишлари таҳсинға сазовордир.

Маълумки, шўролар тузуми даврида буюк зотлар, азий авлиёларнинг макбаралари, шунингдек, масжидлар, мадрасалар, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар қаровсиз ҳолға ташлаб қўйилди. Истиқлол даври келиб, диний-маънавий қадриятларни тиклаш ишлари йўлга қўйилди.

Авлиёлар султони Султон Увайс Қараний номи билан боғланган зиёратгоҳ ҳам болшевиклар сиёсати туфайли эътибордан бутунлай четда қолди. Буюк бобомиз шарафига қурилган масжид ва мақбара

вайрон бўлди. Уни тиклаш ва асл ҳолиға қайтариш ишларида Абдурахим ҳожи алоҳида жонбозлик кўрсатди, бу савоб ва хайрли тадбирларни амалға оширишда унинг уддабуронлиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилиги ва ниҳоят одабийлиги тўла намоён бўлди.

Вайронаға айланиб қолган ёдгорликни тиклаш учун энг аввало зарур маблағ топиш керак эди. Абдурахим ҳожи ўйлай-ўйлай бир қарорға келади. Бу савоб ишни амалға оширишда кенг жамоатчиликнинг кучига таяниш зарур. Ана шу тариқа хайрия марафони ташкил қилинди.

Бу ҳақда хайрия-марафонининг қатнашчиларидан бири шоир Ҳамроқул Асқар шундай ҳикоя қилади.

... Ёзувчилар уюшмасида ишлаб юрган кезларимда Абдурахим тез-тез келиб турарди. У Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини тугатиб, бир оз фурсат давлат ишида ишлагач, Беруний тумани имоми бўлиб тайинланди. Айни замонда Абдурахимхон Султон Увайс Қараний зиёратгоҳиға ҳам мутасадди эди.

Кунларнинг бирида Абдурахимхон Тошкентға келди. Ўзаро суҳбатда Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи қаровсиз қолганлиги, қадамжони ободонлаштириш учун маблағ етишмаслигини айтди. Мен унга ярим ҳазил, ярим чин, ҳозир эшон бова марафон ўтказиш мода бўлган, сиз ҳам хайрия марафони ўтказинг, дедим. Менинг бу таклифим Абдурахимхонға маъқул тушди. Биз биргаликда хайрия марафони ўтказиш режасини тузиб чиқдик. Эртаси кун иккаламиз уюшма раиси Одил Ёқубовнинг олдига кирдик. Одил ака Абдурахимхон билан анча суҳбат қилди. Султон Увайс Қаранийнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқди. Шундан сўнг «Жуда савобли иш бошлабсиз, тарғибот маркази сизларға ёрдам беради», дедилар. Тарғибот маркази директори шу гоё сендан чиққан бўлса, хайрия марафони ташкилий ишларига ҳам ўзинг раҳбарлик қиласан, чунки бун бошқа бир одамға тушунтиргунча анча вақт кетади, тарғибот маркази сизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, деди.

Шу тариқа ташкилий ишлар бошланиб кетди. Одамларға маълумот бериш мақсадида Абдурахим Аминжон эшон ўғли ва Ҳасанбой Матқарим эшон ўғли тайёрлаган матн асосида «Султон Увайс Қаранийнинг мақбараси тарихи», номли бир китобча тайёрлаб беш минг нухса чоп этдик. Бир неча туркум афишалар чиқардик.

Шу тариқа, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази билан Беруний тумани Ижрои қўмитаси қошидаги диний ишлар

бўлими ҳамкорликда 1991 йилнинг 1 сентябридан — 15 сентябрига қадар Султон Увайс Қарайнинг зиёратгоҳини таъмирлаш бўйича хайрия марафони ўтказди. Хайрия марафонида Қорақалпоғистон Автоном Республикаси диний ишлар бўйича қозиси Вайс хўжа Алоуддин ҳазратлари, Хоразм вилоятининг бош имоми Аҳмаджон ҳожи, Чимбой тумани имоми Маҳмуд эшон, Эллиққалъа тумани имоми Аминбой Ибодулла ўғли, Тўрткул тумани имоми Жумабой мулла Матёқуб ўғли шунингдек, хонандалар, ёзувчилар Қизлархон Шомуратова, Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшукуров, Жалолдин Холиқов, Қаландар бахши гуруҳи, Умида Абдуазимова, Замира Раззоқова, Асрор Мўмин, Муҳаммад Исмоиллар қатнашдилар. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча туманларида санъаткорлар, шоирлар, дин уламолари иштирокида қизиқарли учрашувлар ўтказилди. Хоразм воҳасида Султон Увайс Қараний ҳазратларининг ихлосмандлари жуда кўпчиликни ташкил қилар экан, қизиқарли учрашувлар Тошовуз вилоятининг қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди.

1991 йилнинг 31 сентябр куни Беруний шаҳри стадионидаги тадбирга деярли бутун туман аҳолиси тўпланди. Бунинг устига бир кун олдин Республика Президенти Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигини эълон қилган, одамлар хурсандчиликка, байрамга ташна бир кайфиятда эди. Аввал, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси диний ишлар бўйича қозиси Вайс Хўжа Алоуддин ҳазратлари, Хоразм вилояти бош имоми Аҳмаджон ҳожи, Чимбой тумани имоми Маҳмуд эшон, Эллиққалъа тумани имоми Аминбой Ибодулла ўғли, Тўрткул тумани имоми Жумабой Матёқуб ўғли Султон Увайс Қараний ҳазратлари ҳақида дил сўзлари айтдилар. Шоирлар шеърларини ўқидилар, дилрабо кўшиқлар янграб барчани хушнуд қилди. Тадбир охирида Абдурахимхонга сўз берилди. У аксарият диндорларга хос бўлмаган жарангдор овоз билан ажойиб нутқ қилиб, барчанинг олқишига сазовор бўлгач, мени ҳам даврага таклиф қилди ва ҳаяжонланиб кетди чоғи, дўстимиз «Ҳамроқул Асқарнинг худо берган уч қизи бор, келинлар, унинг Султон Увайс бобога қилган хизматлари учун яратгандан бир ўғил беришини сўрайлик» деб, йиғилганларга мурожат қилдилар, барча омин деб, дуога қўл очди. Абдурахимхоннинг бу саховатидан ҳаяжонланиб, терлаб кетдим. Бир пайт ўзимга келсам, Абдурахимхон:

— Шоир энди сўз навбати сизга, дедилар.

Қарсақлар тиниб, сал ўзимга келгач, барча йиғилганларни Ёзувчилар уюшмаси номидан муборакбод этиб, ҳалқимизнинг азалий орзуси ушалган ана шу кунларда ўтаётган хайрия марафони иштирокчилари номидан мустақил Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов номларига табрик телеграммаси жўнатиш ҳақидаги таклифни ўртага ташладим. Таклиф гулдурас қарсақлар билан маъқулланди. Телеграмма ўша куни жўнатилган бўлса ҳам «Ахборот»нинг эрталабки кўрсатувида ўқиб берилди. Зангори экран орқали ўқилган Султон Увайс Қараний мақбарасини таъмирлаш бўйича ўтказилиётган хайрия марафони қатнашчилари номидан юборилган телеграмма эшиттирилганидан кейин тадбиримизга жамоатчиликнинг эътибори янада ортди. Айниқса, туман раҳбарларининг меҳри товланиб, имкон даражасида ёрдамларини аямадилар.

Абдурахим Аминжон эшон ўғли билан талабалик йилларида бошланган самимий борди-келдиларимиз Султон Увайс Қараний ҳазратлари билан боғлиқ тадбирлар туфайли чинакам дўстликка айланди. Яратган Эгамнинг беназир марҳаматини кўрингки, ўша 1991 йили Абдурахимхон ҳалқнинг дуосини олиб бергандан сўнг 1992 йили ўғлимиз Ҳумоюн туғилди. Болани туғруқхонадан олиб келгач, қайин онамиз қулоғига азон айттириб, сўнг бешикка соламиз, ҳозир бирор муллани топиб кел деб турганида телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам Абдурахимхон: — Мен унга эшон бова тез етиб келинг, сизга муҳим давлат топшириғи бор, дедим... У тезда етиб келди. Хушxabарни эшитиб, шундай дедилар:

— Ўғлимиз Ҳумоюн Мирзони Султон Увайс Қараний ҳазратларининг руҳи поклари ҳамиша қўллаб юрсин. Чин ниятнинг тўғрилигини қарангки, бизга Аллоҳдан ўғил сўраган дўстимиз Адурахимхон ўғлимизнинг қулоғига азон ҳам айтди...

Мана ўн беш йилдан ошибдики, дўстимиз Абдурахимхон ҳазратлари шу қутлуғ қадамжо хизматида. Бу орада у ҳаж амалларини ҳам бажариб қайтдилар. Ҳаждан қайтишида уни кутиб олганим эсимда. У табаррук зам-зам сувидан бизга атаб олиб келган экан, дуо қилиб ичдик.

Маълумки, Султон Увайс Қараний ҳазратларининг Беруний тумани ҳудудида жойлашган зиёратгоҳи дунё мусулмонларининг муқаддас қадамжоларидан биридир. Мустақилликдан сўнг ушбу қадамжо бир неча бор таъмир қилинди. Бу ерда зиёратчилар учун қулайликлар қилинди, қувурлар ётқизиблиб, ичимлик суви

келтирилди. Арабистон даштларини эслатувчи, тоғларга туташиб кетган паст-баланд қирлар бағрида жойлашган бу маскан ҳамиша одамлар билан гавжум, бу жойда доимо инсон руҳи-равонини хотиржамликка ундовчи бир нурафшон осудалик ҳукмрон.

Илоҳим, шу нурафшон осудалик, хотиржамлик табаррук зиёратгоҳ хизматига бел боғлаган барча дастёрлар, шу жумладан, дўстимиз Абдураҳим ҳожи Аминжон эшон ўғлига, унинг оиласи, аҳли аёлига ҳамиша ҳамроҳ бўлсин».

Хайрия-марафон иштирокчиларидан яна бири, шоира Замира Раззақова ҳикоя қилади:

– Султон Увайс бобо зиёратгоҳи ҳар галгидек гавжум. Хайрия-марафонидан тушган пуллар эвазига бир қатор ободончилик ишлари амалга оширилди: Зиёратчилар учун меҳмонхона, таҳоратхона, ошхона ва дам олиш хоналари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан эсимда муҳрланиб қолган бир воқеани айтиб берай:

– Бир куни Абдураҳим ҳожини излаб, Султон Увайс бобо зиёратгоҳига бордик. Биз борсак, ул киши қаёққадир чиқиб кетган эканлар. Қаёққа кетганлигини сўраб-суриштириб, у кишининг кетларидан бордик. Мактаб-интернатга кириб келганимизда Абдураҳим ҳожи иккита етим болани тиззасига олиб, бир нималарни гапириб ўтирган эканлар. Бизларнинг келганимизни кўриб, ўрнидан турди ва деди:

– Бу ерда сурункали ўпка касалига йўлиққан болалар даволанишади. Биз ҳар доим уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб турамыз.

Бизнинг иштирокимизда интернат болаларига хайрия совғалари тарқатилади. Сўнгра Абдураҳим ҳожи билан болалар боғчасига кирдик, бу ерда ҳам болаларга турли хил егуликлар, кийим-кечаклар улашилди.

Сўнгра уруш қатнашчилари ва ногирон қарияларнинг уйларига кирилди.

Биз Абдураҳим ҳожи билан бир-икки соатдан кейин учрашишга ваъдалашиб, меҳмонхона томон йўл олдик. Йўлда аллақандай ашулани хиргойи қилиб кетаётган чолни учратдик. Аравада ўтирган қария бизларни кўриб тўхтади. Ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик. Салом аликдан сўнг бир-биримиз билан танишдик.

– Абдураҳим ҳожи қандай одам, дея сўрайман мен ундан.
– Тилло одам, -дейди чол кўкрагини қоплаган оппоқ соқолини силаб. -У киши ҳеч кимдан ёрдамларини аямайдилар. Мана менинг

ўзимни олайлик. Мен бир сўққабош одамман, ҳеч кимим йўқ. Абдураҳим ҳожи доим менинг аҳволимдан хабар олиб турадилар. ҳар гал уйимга гуруч, ёғ ун, гўшт ташлаб кетади. Бир гал қишда уйнинг тоmidан чакка ўтиб қолди. Таъмир қилай десам пулим йўқ. Ахийри, Абдураҳим ҳожининг ҳузурига бордим, у киши ёрдамини аямади, барака топсин ...

Мен Беруний туманида юрганимда ҳам Тошкентга келганимда ҳам Абдураҳим ҳожини алқаб дуо қилган чолнинг сўзларини тез-тез эсладим.

Халққа хизмат қилган, халқнинг дуосини олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Менинг назаримда Абдураҳим ҳожи халқим деб, элим деб, ёниб юрган фидойи инсонлардан биридир...»

Абдураҳим ҳожининг саъйи ҳаракатлари ва ташаббуслари билан 2001-2003 йилларда ҳам хайрия марафонлари ташкил қилинди. 2002 йили Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззақова бошчилигида уюштирилган «Султон Увайс бобомга таъзим» деб номланган хайрия концерти Эллиққалъа туманининг маркази Бўстон шаҳрида бўлиб ўтди.

Абдураҳим Аминжон эшон ўғли 1993 йилнинг май ойида Саудия Арабистонига сафар қилиб, ҳаж амалларини бажариб келди.

Абдураҳим ҳожи тиниб-тинчимайдиган одам. У иложи борича ва имконияти даражасида савоб ишлар қилишни яхши кўради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз. Унинг шахсий ташаббуси билан Беруний шаҳрида жойлашган Сил касалликлари болалар боғчаси ва ногирон болалар боғчалари оталикка олинган. Айни замонда тумандаги камхарж, кам таъминланган оилаларга вақти-вақти билан ёрдам бериб туриш ҳам йўлга қўйилган. Масалан, кам таъминланган оилаларда тарбия олинаётган етмишта боланинг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг Ҳар бири номига беш минг сўмлик банк дафтарчаси очилган. ҳар йили ногирон фарзандлари бўлган бир юз эллик хонадонга беш минг сўмдан пул бериб юборилади.

Абдураҳим ҳожи Руминия, Болгария, Венгрия, Югославия мамлакатларида сафарда бўлиб келган. Шу кеча-кундузда Абдураҳим ҳожи Султон Увайс бобо зиёратгоҳида катта ҳажмдаги қурилиш ва ободончилик ишларини амалга ошириш борасида тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Масжид, меҳмонхона, таҳоратхона, шунингдек, зиёратчилар учун дам олиш хоналари қурилиб ишга туширилди. Айримлари ишга туширилиш арафасида турибди. Қадамжо атрофида жойлашган йигирма гектар ерни кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

2005 йил. Декабрь ойининг бошлари Абдурахим ҳожининг уйида ўтирибмиз. Ташқарида гуппиллаб қор ёғмоқда. Турли мавзуларда гурунг қиламиз. Мен Абдурахим ҳожини саволларга кўмиб ташлайман.

Пирмат Шермухамедов: — Сиз Беруний тумани бош имоми, Султон Увайс бобо зиёратгоҳ масжидининг имом хатибисиз, тўғрими?

Абдурахим ҳожи: — Ҳа, тўғри.

Пирмат Шермухамедов: — Шундоқ бўлса, сиз ишлаётган диний жамоа (ташкилот) қайси соҳада фаолият олиб боради?

Абдурахим ҳожи: — Мен ишлаётган жамоанинг асосий вазифаси Ислом динига эътиқод қилувчиларнинг руҳий эҳтиёжларини қондириш, диний ибодат маросимларини ўтказиш, зиёрат одобларини тушинтириш, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларни асраб-авайлаш, фуқаролар орасидаги тотувликни сақлаш, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган одилонани сиёсатни қўллаб-қувватлашдир. Диний жамоамиз зиёратга келган кишиларни хайр-эҳсонлари эвазига иш юритади.

Пирмат Шермухамедов: — Диний жамоангиз олдида қандай муаммолар бор?

Абдурахим ҳожи: — 2002 йилда Султон Увайс бобо зиёратгоҳида янги меъморий мажмуа қурилишини бошлаб юборганмиз. Қурилиш ишларини хайр-эҳсонлар эвазига ҳашар йўли билан амалга оширмоқдамиз. Шу маънода, айрим муаммолар туғилиши мумкин. Бунёдкорлик ишларини олиб боришимизга бошқа ҳеч қандай тўсиқлар йўқ.

Пирмат Шермухамедов: — Жамоангизнинг олдида турган яна қандай вазифалар бор?

Абдурахим ҳожи: — Биринчи навбатда бошлаб қўйган мажмуа қурилишини якунлаш, сўнгра Султон Увайс бобо ҳазратларининг маънавий меросини интернет тармоқлари орқали тарғиб қилиш, зиёратгоҳ ёдгорликларини чет эллик мусулмон биродарларимизга кўрсатиш учун диний туризмни йўлга қўйишдир.

Пирмат Шермухамедов: — Ҳожи ҳазратлари, айтингчи, сиз диний жамоангиз олдидаги ўз бурчингиз ва вазифаларингизни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

Абдурахим ҳожи: — Энг аввало Мусулмонлар диний идораси муфтиятида ҳар ҳафтада чиқадиган жумъа фатво мавъизаларини масжидларда ўқиб бериш, ҳар бир фатвони Куръон ва ҳадисларни Имоми Аъзам мазҳаби йўналишида изоҳлаб бориш,

мусулмонларнинг турли хил диний оқимларга берилмаслиги учун экстремизм, фундаментализм, терроризм, ваҳҳобийлик, ҳизби тахрир сингари реакцион гуруҳлар ҳақида кенг жамоатчилик орасида маърузалар қилиш, тушунтириш ишларини олиб боришдан иборатдир.

Пирмат Шермухамедов: — Асосий ишингиздан ташқари яна қандай жамоатчилик ишлари билан шуғулланасиз?

Абдурахим ҳожи: — Мен туманимизда ташкил қилинган Хайрия жамғармасининг раисиман. Ана шу сабабли ҳар йили наврўз, ҳайит байрамларида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, ногирон қарияларга ёрдамлар уюштирамиз. Шунингдек, мактаблар, лицейлар, билим юртлари ва коллежларда учрашувлар ўтказиб, одоб-ахлоқ, диний аҳқомлар тўғрисида савол-жавоблар ўтказамиз.

Пирмат Шермухамедов: — Лавозимингизга яраша қандай муаммолар билан тўқнашиб турасиз?

Абдурахим ҳожи: — Тўғриси айтишим керак. Кўпчилик одамларнинг диний билим савияси анча паст. Шу сабабли улар тўйлар, турли хил маъракаларда ислоний чегаралардан чиқиб кетадилар. Шу сабабли муфтият томонидан маъракалар, тўйларни ўтказиш ҳақида берилган фатволарни жамоатчилик вакиллари билан ўрганиб, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари раисларига кўрсатмалар берамиз. Муфтият томонидан берилган фатволарнинг жойларда бажарилишини маҳалла имомлари, домлалар ва катхудолардан талаб қиламиз.

Пирмат Шермухамедов: — Эшон ҳазратлари, кейинги беш йил ичида қандай шахсий режаларни амалга оширишни дилингизга тугиб қўйгансиз?

Абдурахим ҳожи: — Энг аввало Ислон динини турлича талқин қилувчи ақидапарастларга қарши кураш олиб бориш, янги бунёд этилаётган меъморий мажмуа негизда халқаро туризм ишларини йўлга қўйиш, Интернет тизимини очиб, Ислон оламига машҳур бўлган Султон Увайс Қараний ҳазратларининг меросини тарғиб қилиш, ул буюк зот ҳақида рисоалар чиқариш, хорижий ислоний марказлар билан алоқа ўрнатишдир.

Пирмат Шермухамедов: — Сизнинг қайси фазилатларингиз сизни билган, таниган одамлар орасида қадрланади?

Абдурахим ҳожи: — Мен янгиликларга интилувчан ва қизиқувчан инсонман, қолаверса, тadbirkor сифатида ҳар бир ишни тез ва сифатли қилиб бажаришга ҳаракат қиламан, дунёвий ва диний илмим бор.

Гурунг тўхтайди. Абдурахим ҳожи ўрнидан туриб, китоб жавони олдига боради ва у ердан бир қўлёзмани олиб, ширали овоз билан ўқий бошлайди. Кейинчалик билсам, бу ўқилган ғазал Машрабники экан. Ғазал шу қадар чиройли ўқилдики, мен ҳайратимдан қотиб қолдим. Наҳотки, бу мен билган, таниган Абдурахим ҳожи бўлса! Агар у овозини ёшлигидан бошлаб тарбия қилганида ҳойнаҳой таниқли ҳофиз сифатида элга машҳур бўлармиди?! Яна билмадим. Лекин шу нарса аниқки, у кишида Аллоҳ таоло томонидан ато қилинган истеъдоднинг борлиги шак-шубҳасиздир.

Шу пайт хонага одоб билан эшоннинг учинчи фарзанди Абдулла қўлида чойнак билан келади. Яна суҳбатимиз бўлинади. Мен эшоннинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, дўстлари ҳаёти билан қизиқаман.

Абдурахим ҳожининг турмуш ўртоғи Карима Маримбой кизининг касби тўқувчи-технолог. У Тошкент политехникумининг тўқувчи-технология факультетини тугатган. Умр бўйи мактабларда меҳнат фанидан дарс берган. Эшоннинг кизопаси Сапаргул Аминжон қизи Беруний туманидаги Педагогика билим юртини тамомлаган. Нафақага чиқмасидан аввал узоқ йиллар давомида боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган. Унинг беш фарзанди бор. Синглиси Бибизайнаб Аминжон қизи эса Тошкентдаги Педагогика институтини битирган. Шу кеча-кундузда тўртта фарзанднинг онаси Бибизайнаб эшон овулидаги ўрта мактабда болаларга дарс бермоқда.

Абдурахим ҳожининг Ҳамидулла, Неъматулла, Абдулла, Иноятулла исмли тўртта ўғли, Азиза исмли битта қизи бор.

Мен Ҳамидулладан ўзи ҳақида тўла маълумот беришини илтимос қиламан. У ўзи ҳақида мен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ маълумотлар берди ва мана буларни гапириб берди:

... Мен Ҳамидулла Аминов, 1977 йилнинг 9-май ойида Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида туғилганман. 7 ёшимда мактабга бориб, ўрта мактабни 1994 йил тугатдим. 1994-98 йилларда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида (Олий Маъҳад) таҳсил олдим. 1998 йилдан 2000 йилгача Беруний туманидаги зиёратгоҳ масжидда имом хатиб лавозимида ишладим. Кейин Хива шаҳрида 1998 йилдан бери фаолият юритаётган Хоразм Маъмун Академиясида 2000-2002 йилларда кичик илмий ходим бўлиб ишладим. 2002 йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг Магистратура бўлимига ўқишга

кириб, уни 2004 йили битказдим. 2004 йилдан Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида Аспирантурада ўқияпман.

Мен ёшликдан диний оила муҳотида ўсганлигим учун Ислом дини, унинг тарихи, ислом маданиятига қизиқишим катта. Шунинг натижасида жуда ёшлигимдан, аввало, бобом Аминжон эшон менга араб ёзувини ўргата бошлаганлар. Кейинчалик дадам мени ва укам Неъматуллани ўқитабошладилар. Сўнг бизни ва шаҳримиздаги динга қизиқувчи болаларни дадам ўзининг Андижондаги устози Аҳмаджон домлага ўқишга юборганлар. У ерда мактабдан бўш вақтимизда қатнаб ўқиганмиз. Кейинчалик мен диний билимларимни ошириш мақсадида сурхондарёлик яна бир устоз Аҳмаджон маҳдум ҳазратлари олдига бориб таълим олганман. Ул зот республикамизда кўзга кўринган етук устоз домлалардан бўлиб, тасаввуф шайхи ҳисобланади. Унинг олдиларида мен динимиз бўйича асрлар давоми мадрасада ўқитилиб келинган йирик-йирик дарслик китобларидан сабоқ олганман ҳамда тасаввуф тарихи, унинг моҳияти, тариқат намояндалари тарихи сингари мавзуларни чуқур ўргандим.

Мен араб, форс, туркий тилларини имкон даражасида ўзлаштирганман. Инглиз, рус тилларини ўрганияпман.

Қизиқишларим диншунослик, тасаввуф тарихи, китобат тарихи, мусиқа тарихи мавзуларида бўлганлиги боис, илмий тадқиқотларим ҳам кўпроқ ана шу мавзуларга бағишланган.

Магистратурада илмий ишим китобат тарихи, тошбосма тарихига бағишланган эди. Магистрлик диссертациям институт бўйича энг аъло деб баҳоланган. Аспирантурада ҳам ана шу мавзуни давом қилдиришга қарор қилдим ва «Хоразм китобат тарихи» мавзусида илмий тадқиқотларимни бошлаб юбордим. Бунда Хоразмда китоб кўчириш қандай бўлган; чоп қилиш бўлмаган даврларда китобхонларнинг китобга бўлган талаблари қай тарзда қондирилган; кутубхоналар қандай фаолият юритган; китоб савдоси қанақа бўлган; хаттотлар, муқовасозлар ҳаёти ва ижоди; китобат санъати; китоб қай тарзда кўчирилган, миниатюра санъати каби мавзулар қамраб олинади. Илмий ишим XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Хоразм китобат тарихига бағишланган.

Мен асл Хоразм тупроғида униб-ўсганлигим учун қонимда мусиқага қизиқиш, мусиқа тарихини билишга интилиш бор бўлса керак. Шунинг учун менинг илмий тадқиқотларимнинг бир томони мана шу мавзуларга қаратилган. Бу борада мен муайян илмий

янгиликларни ҳам қўлга киритганман. Мусиқашуносликда «мусиқий баёзлар» сингари атама менинг илмий тадқиқотларим сабабли барқарорлашди. XIX-асрда Хива хони Феруз ташаббуси билан яратилган «Хоразм танбур чизиги»нинг нусхалари манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди. Менга мусиқашунос профессор Отаназар Матёқубов устозлик қиладилар.

Мен диний илмларга жуда қизиққанлигим учун бу борадаги билимларимни янада ошириб боришга доим ҳаракат қиламан. Диний-маърифий мавзуларда мақолаларим бор. Ўнга яқин китобларга муҳаррирлик ҳам қилганман.

Мен ўзимизнинг юртимиз, элимиз тарихи, юртимизда яшаб ўтган таниқли шахслар тарихини билиш мақсадида ҳам ҳаракатлар қилиб юраман. Шайх Аббос Валий, Султон Увайс Қараний, Кат қалъаси тарихига бағишланган илмий мақолаларим мавжуд. Бу борадаги тадқиқотларимни ҳамиша давом қилдираман.

Менинг учта рисолам нашр этилган, ўн бешга яқин мақолаларим илмий тўпламларда, газета ва журналларда эълон қилинган. Ўзимга Беруний тахаллусини олганман. Бу менинг ўз шахримга, бобокалоним Абу Райҳон Берунийга нисбатан чексиз ҳурматимдир. Баъзилар, «Бу тахаллусни кўтара оласанми?!» ҳам деб қўйишади. Мен айтаман: «Мен кўтармайман. Ушбу нисбат мени кўтаради, инша Аллоҳ!»

Мен яқин келажакда «Хоразм тарихи» циклида Мунис, Огаҳий, Баёний ва бошқа тарихчиларнинг асарларини тўла нашр этишни, Шарқшунослик институтида сақланаётган Хоразм хаттотлари кўчирган ҳамда хоразмлик адиблар ёзган асарларининг алоҳида каталогини тузишни, «Хоразм китобат маданияти» деган илмий-фундаментал асар ёзишни, Қуръони карим ҳақидаги бор маълумотларни бир жойга тўплаб, йирик илмий монография тасниф қилишни, машҳур олим ал-Форобийнинг «Мусиқа ҳақида катта китоб» номли йирик ҳажмдаги асарини таржима қилишни режалаштириб қўйибман. Худо хоҳласа, бу ниятларимга албатта эришаман.

Мен китоб ўқишга қизиқаман, бир сўз билан айтганда: «Хоббим китоб ўқиш ва йиғиш!». Спортга қизиқмайман. Манти ва ошни севиб истеъмол қиламан. Яшил рангни, ҳафтанинг чоршанба кунини ёқтираман. Сусткаш, ваъдасида турмайдиган, бепарво одамларни ёмон кўраман.

Ўзим ҳам ҳаётда анча сусткашман. Киришимли эмасман. Одамлар

билан тезда киришиб кета олмайман. Дунё тўплашга, жуда яхши яшашга умуман қизиқмайман. Салгина мақтанчоқроқман, шунинг учун мен кибрли кўринсам керак.

Уйланганман. Рафиқам Дилором Саййид Отахон қизи асл хоразмлик. Яхши аёл. Меҳнаткаш, қўлидан анча-мунча иш келадиган аёллардан. Ҳафсала қилса, пазандалиги ҳам бор. Бизнинг учта фарзандимиз бор ...

Абдурахим ҳожининг иккинчи ўғли Неъматулла 1979 йил 28-февралда туғилган. Мактабни тугатганидан сўнг Андижонда Аҳмаджон домла қўлида таҳсил олди. У Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, 1996 йилда қори-мураттаб бўлди. Кейин Тошкент Ислом институтида (Олий Маъҳад) ҳам сиртдан ўқийди. Ҳозирда Беруний туманидаги «Дарвеш эшон бобо» масжидида имом хатиб бўлиб ишламоқда.

У 2002 йилда Республика қорилар мусобақасида Ўзбекистон бўйича фахрли учинчи ўринни олган. 2004 йили эса Америкага бориб келди.

Қуръонни тажвид қоидаси билан ўқиши таҳсинга сазовор. У келажакда махсус курс очиб, болаларга Қуръон ўқитишни йўлга қўймоқчи.

Неъматулла бизнесга ҳам қизиқади. Бу борада тинмай меҳнат қилади. Китоб сотади, сут ва қаймоқ сотади, музқаймоқ, ҳар хил шарбатлар сотади, печеньелар тайёрлаб сотишни йўлга қўйди, ун сотиш билан шуғулланди, хуллас, бизнес оламига секин-асталик билан кириб бормоқда.

У уйланган. Оиласида битта фарзандни тарбиялаб, бахтли ҳаёт кечириб келишмоқда.

Ўзи ҳақида сўз юритар экан, Неъматулла бундай деди:

— Ота-боболаримиз эшонлар авлодларидан бўлганликлари сабабли мен болагимдан бошлаб, ислом дини билан қизиқдим. Дадам мендаги бу қизиқишларни сезиб, Қуръон оятларини ўргата бошлади. Орадан бир оз вақт ўтиб, мени ва акам Ҳамидуллони ўзларининг Андижондаги устозлари мулла Аҳмаджон домла ҳузурларига олиб бордилар. Мен у ерда Қуръони каримни ёдлаш билан машғул бўлдим, акам эса араб тилини ўргана бошлади ва таржимонлик ишлари билан шуғулланди. Бир йилдан кейин дадамиз тумандаги Ислом динига қизиққан қирққа яқин болани «Икарус» автобусига жойлаб, бизнинг ёнимизга олиб келди. Натижада ана шу болаларнинг барчаси носоғлом, диний ақидапарастлар қўлига

тушмасдан соф исломий ақидада Ймоми Аъзам мазҳабида ўқиб-ўргандилар. Улардан тўртгаси мураттаб қори ва еттитаси олим бўлиб етишдилар. Бу нарса Қорақолпағистон Республикаси, қолаверса Беруний тумани учун дадамиз Абдурахим ҳожининг қилган саъйи ҳаракатлари туфайлигина амалга ошди.

Мен ўрта мактабни тугатганимдан кейин Тошкент ислом институтига кириб, уни 2000 йили мувафақиятли равишда тамом қилдим. Шу кеча-кундузда тумандаги «Дарвеш эшон бобо» масжидининг имом хатиби ливозимида хизмат қилиб келмоқдаман. Ҳар йили Рамазон ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги масжидларда бўлиб ўтадиган хатми-Қуръонларда қатнашиб келмоқдаман. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича ўтказилган мураттаб қорилар мусобақасида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. 2004 йилда эса Америка Қўшма Штатлари департаментининг маданий ва ўқув дастурлари бўлими (ЕСА) ва халқаро олимларни айирбошлаш кенгаши (IREX) «Жамоа алоқалари» дастурининг грантини ютиб, АКШнинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, тренинг, семинар ва амалиётларда қатнашдим. Албатта, бу нарсалар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг тагида катта меҳнат, бобомиз Аминжон эшоннинг дуолари, қолаверса, дадамизнинг панд-насиҳатлари ётибди.

Дадамиз бизни ёшлигимиздан бошлаб, тўғри сўзликка, ҳалол меҳнат қилишга, бағрикенгликка ўргатиб келган. Мен ҳамиша дадамдан фахрланаман, ота-боболаримизнинг бир пайтлар қилиб ўтган хайрли ва савоб ишларини давом қилдиришга ҳаракат қиламан. Абдурахим ҳожининг учинчи ўғли Абдулла 1982 йилнинг 5-майида таваллуд топган. Ўрта мактабни битказганидан кейин Урганчда автоўл коллежида 1998-2000 йилларда ўқиган. Ҳозирги кунда Беруний тумани ҳокимияти қошидаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш марказида фаолият юритмоқда.

Абдулла киришимли, удабурон. Иш бошқарувчиликка қобилияти бор. У оилалик, оиласида иккита фарзандни тарбия қилмоқда.

Абдурахим ҳожининг тўртинчи фарзанди Азиза 1984 йилнинг 24 февраль кuni туғилган. У ўрта мактабни тугатганидан сўнг 2002-2004 йилларда Беруний туманидаги Педагогика коллежида таҳсил олди.

Азиза кичиклигидан меҳнаткаш, одобли бўлиб ўсди. У китоб ўқишни севади.

Азиза турмушга чиққан. Оиласида иккита фарзандни тарбия қилиб келмоқда.

Абдурахим ҳожининг бешинчи фарзанди Иноятулла 1987 йилнинг 29 январь кuni таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг Беруний туманидаги коллежда ўқиб, уни 2002-2005 йилларда тугатган.

Иноятулла ҳам акаларига ўхшаб меҳнаткаш, одобли бўлиб ўсди.

АБДУРАҲИМ ҲОЖИНИНГ ДЎСТЛАРИ

Ҳаётда Абдурахим ҳожининг ёр-дўстлари, ошна-оғайнилари, улфатлари кўп бўлган. Лекин улар орасида Куронбой Сафоев, Халилла (Халилуллоҳ) Мадрахимов, бухоролик Қаҳрамон Ҳақбердиев, хивалик Бахтиёр Рўзметовларнинг ўрни, мавқеи ва нуфузи алоҳида ажралиб турган.

Ҳожининг ҳамқишлоқлари ҳикоя қилишича, унинг бирон-бир тўйи, маъракаси ёки ҳурматли меҳмони Куронбой ва Халиллаларнинг иштирокисиз бўлмаган. Шунингдек, Куронбой ва Халиллаларнинг оилавий йиғинлари ҳам Абдурахим ҳожисиз ўтмайди. Гоҳо улар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари, муомалалари, қилиқлари билан бир она қорнидан тушган эгизакларга ўхшаб кетишади. Энг муҳими, уч қадрдон дўст ҳамиша бир-бирларига суяниб, ҳамфикр, ҳамдард бўлиб яшаб келмоқдалар.

Шоир Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг» деб номланган бир ажойиб ғазали бор. Назаримда, шоир ўз асарини Абдурахим ҳожи билан Халилла ва Куронбой сингари инсонлар таърифига бағишлаб ёзганга ўхшайди.

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир қошона ҳам.
Интизор ҳар уй диловар,
Дилқушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат,
Йиғлагай остона ҳам.
Яхши дўстлар даврасида,
Очилурсан ҳар замон.
Кўркни шода ичра топгай,
Марварид дурдона ҳам.
Сўрма мендан, ким дилоро,

Дўстми ё жонона деб,
Дўст менинг кўнглимдадир,
Жонимдадир жонона ҳам.
Қанча ростгўй дўстларнинг
Қоҳишу озоридан.
Қадди рост шамнинг тилидан
Ўртанур парвона ҳам.
Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман
Бўлса у бир дона ҳам.
Ким сенга ҳамроз эмасдир,
Боғараз деб ўйлама,
Гоҳи душманлик қилурлар
Қўл сиқиб дўстона ҳам.
Дўсти содиқ йўқ экан деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

Ҳа, ростдан ҳам шоир айтганидек, ҳақиқий «дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам, дўст қадам қўймас эса вайронадир қошона ҳам»!

Буюк бобомиз Абу Наср Форобийнинг ёзишича, «ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. Лекин унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга киритаолмайди. Уларга эга бўлиш учун эса инсонлар жамоаси ичида бўлишга кучли эҳтиёж сезади».

Инсонлар жамоасига нисбатан бўлган эҳтиёж — энг аввало самимийлик, фидойилик, дўстлик тушунчалари ва ҳис-туйғулари билан чамбарчас боғлиқдир. Балки, шу сабабли бўлса керак, ўтмишда яшаб ўтган алломалар дўстлик ҳақида, садоқат ҳақида ажойиб фикрларни ёзиб қолдирганлар.

Биз куйида уларнинг айримларини тилга олиб ўтаемиз:
Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.

Фирдавсий

Сийму зар тўплама, дўстлар-ла еб-ич,
Бўлмаса ҳаммаси душманга қолур.

Умар Хайём

Дўстга агар қўшилса дўст ёр,
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор.
Ҳар ким билан ошнолик истама,
Ҳар ошнодан рўшнолик истама.

Абдурахмон Жомий

Дўстлик ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, дўстларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган муомала ва муносабатлари шундоққина кўзга ташланиб туради. Қийинлиги шундаки, дўстлар ўзларининг ички кечинмалари ва туйғуларини ҳуда-беҳудага кўз-кўз қилавермайдилар.

ИМОН ДАФТАРИ

Мана бир неча йилдирки, Абдурахим ҳожи кундалик дафтар тутишни ўзига одат қилиб олган. Ҳар куни бўш вақт топди деганча, кундалик дафтарига ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандлари, дўстлари, кўрган-билганлари, яхшилик ва ёмонлик, қилган савоб ишлари ҳақида ўзининг фикрлари, тушунчалари ва мулоҳазаларини қайд этиб боради. Кундалик дафтарнинг тепасига «Имон дафтари» деб ёзиб қўйилган.

«Имон дафтари» мана бу сатрлар билан бошланади:

Аллоҳ таоло айтади:

— Яхши кишилар ибодат вақтида юзларини шарққа ёки ғарбга қаратган кишилар эмас. Балки, Аллоҳ таолога, унинг фаришталарига, охират кунига, китобларига, пайғамбарларига ишонган, яхши кўрган молу мулкини қариндошларига, етим-есирларга, мискину фақирларга, мусофиру тиланчиларга ҳамда беш вақт намозини ўқиган ва закот берган, Аллоҳ билан ўзи ўртасидаги ва бандалар ўртасидаги аҳдига вафо қилган, етишмовчиликларга қаноат қилган ва бошига кулфат тушганда бардош берган кишилардир.

Мана шундай сифатга эга бўлганлар динга содиқ одамлар бўлиб, кўфр ҳамда ярамас хулқлардан ўзларини эҳтиётлагайдирлар ва ўзларида этук инсоний фазилятларни мужассам қилгайдирлар.

«Имон дафтари»да Абдурахим ҳожининг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати, ҳаётдан олган сабоқлари акс этган. Унда файласуфларга хос фикрлар, ҳақимларга хос ҳикматлар, пурмаъно диний-фалсафий маъноларни ҳам кўришимиз мумкин. Ўқиган ҳар хил китобларидан олиб ёзиб қўйган иқтибосларининг ўзи бир олам. Олиму уламоларнинг сўзларини ўқиб лаззат оласиз. Улардан баъзиларини ўқиб чиқсак:

* * *

Ислом арабча сўз бўлиб, тинчлик, Аллоҳга таслим бўлмоқ, деган маънодадир. Аллоҳ ва Пайғамбарнинг буйруқларига бўйсиниб, таслим бўлган киши мусулмон дейилади. Мусулмон киши бировга тили ва қўли билан озор бермаслиги керак.

* * *

Аллоҳнинг барча бўлажак нарсаларнинг яратилишидан олдин қачон бўлишини, қаерда бўлишини, қандай бўлишини ва бошқа энг нозик томонларини азалдан билиб, бўлажак ишларини таъйин этиши ва белгиланишига тақдир дейилади. Тақдирдаги яхшилик ва ёмонликка ишониш фарзидир!!!

* * *

Инсон мана булар билан мукамал бўлади: Тўғри эътиқодли бўлиши, киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатда чиниқтирмоғи лозим. Кимки бу сифатларни тўла ўзлаштира, имони мукамал бўлмай.

* * *

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши ҳақиқий мусулмондир».

* * *

Султон Увайс Қараний айтганлар:
Сен ўлимни ётсанг ёстигим тагида, турсанг кўз олдимда деб

бил. (Ҳамиша шунга тайёр бўлиб тур!)

* * *

Султон бобомиз айтганидек, гуноҳнинг катта-кичиклигига қарамаслик лозим. Чунки Худой таолонинг қайси гуноҳга ғазаби келишини билмаймиз. Шунинг учун, ҳар бир гуноҳдан сақланишимиз лозим. Зеро, Худой таоло катта гуноҳларни кечириб юбориши ёки кичик гуноҳларга азоб бериши мумкин!

* * *

Халқ билан муомалада доим эҳтиёт бўлмоқ керак. Уларга ҳамма вақт яхшилик исташ лозим. Яхшиликда гап кўп. Катта одам бўлсин, ёши кичик бўлсин уларга фақат тўғри маслаҳат бериш керак. Ҳеч қачон бировнинг устидан кулиш ярамайди:

Бировлар устидан кулмагин зинҳор,
Сенинг ҳам устингдан кулгувчилар бор.

* * *

...Мана бу ишни қилмаслигим керак эди. Афсус. ўйланиб сўзлашга ўрганишим керак. Баъзида жаҳлим тез чиқиб кетади. Эй Аллоҳим, мени тез ғазабланиб кетишимдан ўзинг асра!

* * *

Султон Увайснинг мана бу сўзи менга жуда ёқди:
Улуғлик истадим, уни тавозуъ-камтарликдан топдим, обрўни эса халққа насиҳатгўй бўлишдан, муруватни эса тўғрисўзликдан, фахр-ифтихорни эса тақво-Худодан кўрқидан, шон-шарафни эса қаноатдан, роҳатни эса парҳездан, фаровонликни эса Аллоҳга таваккул қилишдан топдим.
Бу сўзларни янги масжиднинг пештоқига ёки деворларига ёздиришим керак. Андижондан усталар келса, аввал мана шуни кўрсатаман.

* * *

Куни кеча «Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятлари» деб номланган китобни харид қилдим. Унда Расул алайҳиссаломнинг Амир ал-муъминийн Али ибн Абу Толиб қаррамаллоҳу ваҳҳаҳуға қилган насиҳатлари берилган. Жуда фойдали китоб.

— Ё Али, золимнинг уч аломати бордир: қўл остидагиларға жабр-ситама қилар; ўзидан зўрлар олдида одоб сақлаб, ўзини паст тутар; халқнинг ош-нонини ноҳақ ер.

— Ё Али, ҳосид, яъни ҳасад этувчининг уч аломати бордир: сенинг олдингда жўғилик қилар; орқангдан ғийбат қилар; агар сенга бирор мусибат ёки ғам етса, унга хурсанд ва шодмон бўлар.

* * *

«Ҳизби таҳрир» — Ислом динига ҳақиқий душман! Шу сабабли мусулмонлар ҳеч қачон бу реакцион гуруҳни қўллаб-қувватламайди.

* * *

Қуръони карим Аллоҳнинг китоби. Уни тўғри тушиниш учун жуда катта билим ва савия керак. Акромиёлар ёки бошқа гуруҳларға ўхшаб, салгина ўқиб Қуръон тафсир қилаверишлик фақат ҳалокат келтиради. Ҳадислар ҳам шундай. Уларни тўғри тушиниш фақат улўғ олимларға насиб қилади. Хуллас, «чаламулла», «жўжа хўроз»ларға қарши аёвсиз курашиш даркор.

* * *

Эртага коллежда учрашув. Унда ёшларға динимизнинг софлигини, истиқлол берган неъматлар - масжидлар, мадрасалар қад кўтараётгани, диний китоб ва адабиётлар нашр этилаётгани, уламоларимиз қадр топаётганини гапиришим лозим. Терроризм оқибати, дин номидан гапирувчи ҳар хил оқимлар борлиги, улар аввал ҳам бўлганлиги, кейин ҳам бўлаверишини, аслида, қаршилик бўлмаса, рақобат бўлмаса тараққиёт бўлмаслиги тўғрисида гапираман.

Болаларни экстремистик гуруҳлардан сақлаш менинг бурчим!

* * *

Дўстларға жоним фидо бўлсин! Дўстгина сени, уйингни, юрган йўлингни обод қилади. Дунёда дўст топ. Кимнинг мингта дўсти бўлса сўроқ-саволсиз жаннатға киришиға ишонаман.

* * *

Абу Райҳон Беруний бобомиз айтган эканлар:

Ҳаким ва олимлар ахлоқидан таълим олиш яхши хулққа ҳаёт бахш этади, ёмон хулқни ўлдиради.

* * *

Нодонлик бедаво касаллик бўлса керак. Астағфируллоҳ! Нодонликдан ўзинг сақла, нодонлар билан йўлдош айлама.

* * *

1997 йил. 18-19 декабрь.

Бугунги кунни берунийликлар ҳеч қачон унутмайдилар. Унутишларига ҳаққи йўқ. Беруний бобомизнинг хоки Афғонистондан келтирилди. «Бобур» номли халқаро жамғарма аъзоларига, хусусан, Зокиржон Машрабовға катта раҳмат. Ҳокимиятимиз вакиллари ҳам ғайрат қилишди. Уларға ҳам раҳматлар айтиб чиқишим керак.

* * *

Туни билан Абу Наср Форобийнинг «Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида» деган китобини ўқиб чиқдим. Буюк бобомизнинг мукамал инсон ҳақида айтган гаплари жуда зарур.

Ҳамидулла ҳам ўқиб чиқса бўларди. Қуронбойнинг ўқишға вақти йўқ.

* * *

Тилингни авайла, омондир бошинг,
Сўзингни авайла, узаяр ёшинг.

Юсуф Хос Ҳожиб

* * *

Абдулла Ориповнинг «Сурат ва сийрат» китоби яхши чиқибди.
Кўрдим. Айниқса, «Шукрона» шеъри менга маъқул:

Шукрона айт аввал парча нон учун,
Сўнг қултум сув учун шукрона тақрор.
Чунки, бу оламда, яширмоқ нечун,
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.
Буюклар бахтига ҳавас қил, аммо
Чунки бу оламда сен учун ҳатто,
Оддий инсонликни кўп кўрганлар бор.

* * *

Май ойининг охири. Самарқандда юрибман. Эрта тонгдан Имом
ал-Бухорийнинг мақбараси зиёратига бордик. Болаларимга, оиламга
тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат тиладим.

* * *

Куронбой Ҳамидулладан Куръон ўрганишни бошлабди. Жуда
қувондим. У сигаретни ташлабди. Икки бора қувондим. Аллоҳнинг
китобида мўъжиза кўп. Ўргансин. Тўхтатма, деб айтишим керак.

* * *

Устозимиз Мулла Аҳмаджон домлани зиёрат қилиб келсамми?
Жуда савоб бўларди. Уламоларни зиёрат қилиш, уларнинг дуосини
олиш фақат жаннат гаровидир. Ахир, Пайғамбаримиз ҳам
саҳобаларига Султон бобони зиёрат қилиб, дуосини олишни
буюргандилар. Зиёратда гап кўп.

* * *

Нимага одамлар бундай-а?! Нимага бир-бировни кўролмаслик
бор? Ҳасад одамни хароб қилади. Ҳасадчи фақат ўзигагина зулм
қилади. Ҳасаддан сақланиш, ҳасад қилмаслик ҳар кимга ҳам насиб
қилавермайди.

* * *

Тўғри, ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўлади. Худога шукр,
ҳаммаси жойида. Фақат Худодан сўрайдиганим: Илоҳо, юртимиз
тинч бўлсин. Кўз тегмасин.

«Имон дафтари»дан олинган дил сўзларини ўқирканман,
буларни ёзган одамдан фақатгина яхшилик чиқишига, у билан
дўстлашган одамнинг фақат хайр кўришига амин бўлдим. Абдурахим
ҳожи ўз юртининг энг мўътабар кимсаларидан эканлигига шубҳа
қилмайман. У кеча-кундуз ватанини, халқини, овулини, оиласини
ўйлайдиган ҳақиқий ватанпарвардир. Бунга унинг «Имон дафтари»
гувоҳлик беради.

ДИЛДАН ЧИҚҚАН СЎЗЛАР

Қуйида Абдурахим ҳожининг устозлари, дўстлари, фарзандлари,
қариндош-уруғларининг дил сўзларини келтирмоқчиман. Мен улардан
бирма-бир бу сўзларни эшитарканман, Абдурахим ҳожига меҳрим
яна ортаётганини сезиб турардим. Бу диллардан чиққан сўзлар
Абдурахим ҳожини янада яқиндан билиб олишимизга ёрдам беради.

Абдурахим ҳожининг устози, шунингдек, унинг ўғилларига ҳам,
берунийлик бошқа кўплаб аҳли илм йигитларга ҳам устозлик қилган
андижонлик улуғ зот Мулла Аҳмаджон ҳожи Муҳаммаджон ўғли билан
суҳбатлашиш менга ҳам насиб қилди. Ул зот ниҳоятда салобатли,
юзидан донишмандлиги билиниб турадиган зот экан. Унинг сўзларини
эшитган кимса яна эшитсам дейдиган, гап-сўзларидан файласуфлар,
буюк донишмандларнинг гап-сўзларидек ҳикматлар чиқадиган
юртимизнинг ноёб уламоларидан экан. У кишидан Абдурахим ҳожи
ва унинг оиласи билан қандай танишганини сўрайман. У киши салобат
билан сўзни узоқдан бошлайди:

«Бундан йигирма йиллар муқаддам Ҳоразм вилоятига йўлимиз
тушиб қолди. Урганчда Саидмуҳаммад хўжа исмли зоти шарифнинг
уйида меҳмонда бўлдик. Суҳбат асносида Ҳоразм вилояти ва
Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган эшонлар,
муллалар, шайхларнинг номлари тилга олинди. Шу суҳбат сабаб бўлиб,
уй эгаси эртаси кунни бизни Беруний туманида истиқомат қилувчи
Аминжон эшоннинг уйига олиб борди. Бир-биримиз билан яқиндан
танишдик. Дини ислом, шариат ҳақида, Куръони қаримни чуқур
ўрганиш хусусида қизиқарли суҳбатлар қурдик. Суҳбат орасида

Аминжон эшон ўгли Абдурахимнинг диний тафаккури ҳақида сўз очиб, унга бу борада менинг ёрдамим зарурлигини айтиб қолди. Мен Аминжон эшоннинг таклифини бажони дил қабул қилдим. Абдурахим Андижонга келиб, бир йил мендан таълим олди, динни имкони қадар пухта ўрганди. Биз ўқиш жараёнида бир-биримизга меҳр қўйиб, чин маънодаги устоз-шогирд бўлдик. Мен уни жуда кўп синадим. Ва, ниҳоят, шу нарсага ишончим комил бўлдики, у диний эътиқоди мустаҳкам, ҳалол, дили пок, самимий инсон экан. Мен унинг қилаётган хайрли ишларидан хабардорман. Келган-кетганлардан у ҳақда сўраб-суриштириб тураман. Унинг олиб бораётган ишларидан, халққа қилаётган хайрли амалларидан розиман».

Мен бир куни Абдурахим ҳожининг бир неча дўстлари Тошкентдаги «Семашко» деб аталадиган санаторияда дам олаётганларини эшитиб қолдим. Кўп вақтдан бери ўйлаб юрган истагим амалга ошишини билиб, уларни кўришга ошиқдим ва суҳбат асносида улардан Абдурахим ҳожи ҳақидаги дил сўзларини сўрадим.

Абдурахим ҳожининг дўсти Беруний тумани ҳокимининг ўринбосари Зокиржон Ортиқовнинг айтган сўзлари менда катта таасурот қолдирган:

«Мен Абдурахим ҳожини кўпдан бери биламан. Турли қурилиш идораларида ишлаб юрган пайтларимда ҳам у киши билан кўришиб турар эдик. Аввало шу нарсани айтиш керакки, Абдурахим ҳожи Аминжон эшон ўгли табиатан яратувчан инсон. У ҳамиша одамларга яхшилиқ қилишни, янги боғ-роғлар барпо қилишни, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишни севар ва шу йўлда фидойилик кўрсатар эди.

Шу ўринда бир воқеани айтиб бермасам бўлмайди. Султон Увайс Қаранийнинг зиёратгоҳи атрофини кўкаламзорлаштириш масаласи кўтарилди. Бу масалани ижобий ҳал этиш осон эмас эди. Негаки, биринчидан, ёввойи ўтлар эгаллаб ётган тошлоқ ерларни текислаш, парвариш қилиш, асл ҳолига қайтариш, иккинчидан мевали, манзарали дарахтларнинг асл, сара хилларини топиб, олиб келиш сингари мураккаб масалалар бор эди. Яна бунинг устига зарур маблағ топиш масаласи ҳам борлигини инobatта оладиган бўлсак, ушбу масаланинг ечилиши осон эмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Буларни ҳал қилиш учун обрўли, айни замонда фидойи, тadbиркор инсонни топиш керак эди. Бундай инсон бор эди. Бундай инсон аллақачон эл-юрт ҳурмати қозонган Аминжон эшон ўгли Абдурахим ҳожи эди.

Мен Абдурахим ҳожининг оиласини, фарзандларини яхши биламан. Бугунги кунда унинг фарзандлари ўзларининг ҳалол

меҳнатлари билан турли хил вазифаларда ишлаб, эл-юрт ҳурматини қозониб келмоқдалар».

Суҳбатга санаториядагиларни кўргани келган шоир Ҳамроқул Асқар аралашади. У ҳам Абдурахим ҳожининг дўсти сифатида у ҳақдаги дил сўзларини айтиб берди:

«Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтида ўқиб юрган кезларим, курсдошим Сотимбой Янгибоев ҳамюрти Абдурахим билан таништирди. Абдурахим ўзини тутиши, мулоҳазалари билан бошқалардан ажралиб турар, ҳатто, ёшига нисбатан улугворроқ кўринарди. Ҳамюртларининг унга гоҳ Абдурахимхон, гоҳ Эшон бува деб мурожаат қилишлари эътиборимни тортти. Кейин билсам, у Беруний туманидаги катта эшонзодалар авлодидан экан.

Бироз ғалати туюлсада, одамлар билан танишиш янги китобнинг мутолаасига ўхшайди, дегим келади. Баъзи китобларни ўқиб зерикасиз. Баъзиларини бир марта ўқиб, қайта-қайта қўлга оласиз. Ундаги воқеалар сал ўтмай ёдингиздан чиқади. Ўқишга кетган вақтингизга ачинасиз. Баъзи китобларни бир эмас, бир неча марта ўқиб, ҳар ўқиганда олдин сезмаган жиҳатларни кашф этиб завқланасиз. Бу ажойиб китобни кўнгилга яқин дўстларингизга тавсия қиласиз... Сотимбой таништирган дўстимиз Абдурахимхон таъбир жоиз бўлса, худди ўша қайта-қайта ўқиб зерикмайдиган, юракка яқин дўстларга тавсия этадиган китоблар сирасидан эди...

Ҳар кунги дорулфунун сабоқларида марксизм, ленинизм, атеизмдан маъруза тинглаб, биз тахлит талабаларга Абдурахимхоннинг дин, худо, пайғамбарлар ҳақидаги ҳикоялари худди афсонадек туюлар, тасаввуримиз оёғи осмонда, ғалат бир ҳолда қолардик. Айниқса, унинг бобосидан эшитгани, қушлар муқаддас Каъба устидан учиб ўтмаслиги, масжиди ҳарамни булғамасдан ҳожат учун бошқа жойларга боришлари ҳақидаги ҳикояси бизни беҳад таажжубга солган. Бизнинг «Нега шундай бўлади?» деган саволимизга, у «Қушларга Аллоҳнинг буйруғи шундай бўлган» дея қисқа жавоб бериб қўя қоларди. Албатта, ўн йил мактаб, сўнгра институтда дин афюн, худо йўқ, деган тўқиб чиқарилган чўпчаклар сингиб кетган онгимиз бундай илоҳий таълимот қаршисида ожиз эди. Шу сабабли Абдурахимхон билан кўплаб буҳс-у мунозаралар бўлган. Бу баҳслар, мунозаралар бизни тобора яқинлаштириб, ҳамфикр дўстларга айлантирди. Абдурахимхон билан дўстлигимиз ўқишни тугатганимиздан сўнг

ҳам давом этди. Мен Абдурахим ҳожини менга дўст қилиб берган Парвардигордан жуда миннатдорман. Бизнинг дўстлигимиз абадий бўлишига ишонаман».

Шоир Ҳамроқулнинг гапи тугар-тугамас, жим қулоқ солиб ўтирган Халилла (Мадрахимов) сўзни улаб кетади. У сўзини улуғ мутафаккирнинг фикрларини шарҳлашдан бошлади:

«Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан бирининг битта ҳикмати бор. Ўша ҳикматда тилга олинишича, қадимда ота-боболаримиз мард, олийжаноб ва фидойи инсонларни жавонмард (жувонмард) деб атаганлар.

Шарқнинг улуғ донишманди жавонмардликнинг зоҳирий белгилари хусусида фикр юрита туриб, қуйидагиларни ёзади:

«Биринчи: тилни ғийбат ва бўҳтондан, ёмон сухан айтишдан тийиш.

Иккинчи: Қулоқни ёмон сўзни эшитишдан асраш.

Учинчи: Кўриш зарур бўлмаган, яъни ботил нарсаларни кўришдан асрамоқ.

Тўртинчи: ҳаром нарсани олиш ва ҳалққа озор етказишдан ўзини тийиш.

Бешинчи: Гина ва адоват қўзғотадиган жойга оёқ қўймаслик.

Олтинчи: Нафсни ҳаром таом ейишдан тийиш».

Менинг назаримда, бу ҳикматли сўзларда тилга олинган бу ҳислатларнинг барчаси менинг қадрдон дўстим Абдурахим хожининг кундалиқ турмушида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мен Абдурахим хожининг болалиқда бирга ўйнаб ўсган дўстиман. Биз бир йилда туғилиб, бир йилда мактабга бордик. Иккаламиз ҳам мактабда яхши ўқидик. Бўш пайтларимизда пахта далаларига чиқиб, ота-онамизга ёрдам бердик.

1973 йили мактабни иккимиз ҳам битириб, Тошкентга ўқишга жўнадик. У Тошкент Қишлоқ хўжалик институтига, мен эса Тошкент Политехникумига ўқишга кирдик. Бўш пайтларимизда шаҳар айланиб, киноларга тушардик.

Биз Абдурахим ҳожи билан турли хил ҳаётий синовлардан ўтиб, қалин дўст бўлганмиз. Мен уни қайғули кунларда ҳам, шодлик кунларда ҳам кузатганман. У ҳамиша дўстларига оқибатли ва вафодорлигини сақлаб қолабилади».

Халилла Мадрахимовнинг сўзлари тугагандан сўнг мен шу ерда бизнинг суҳбатимизни эшитиб ўтирган Бухоро вилояти, Қоракўл тумани Сайёд қишлоғида қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

ўринбосари бўлиб ишлайдиган Абдурахим хожининг яна бир дўсти Қахрамон Ҳақбердиевга юзланаман. У ўз қалбида сақлаб келаётган сўзларини бундай тарзда чиқарди:

«Мен жонажон дўстим Абдурахим хожини 1973 йилдан бери биламан. У киши билан Тошкент Қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирган дастлабки кунларимизда танишганман. Институтнинг ўқув-ишлаб чиқариш бўлимига қарашли боғи бор эди. Бир кун иш ўша боғда олма териб юрардик. Бир пайт ширали овоз билан аллақандай қўшиқни айтаётган талабага кўзим тушиб қолди. Мен унинг ёнига бордим. Ҳол-аҳвол сўрашиб танишдик. Унинг исми Абдурахим экан. Мана шу дақиқадан бошлаб, бир-биримизга меҳримиз тушиб қолди. Кейинчалик бир умрга қадрдон дўст бўлдик. Мен Абдурахим билан икки йилдан ортиқ вақт давомида бир хонада яшадим. Кейин у киши уйланиб, рафиқасини Тошкентга олиб келди. Лекин ўқиш пайтлари, пахта терими даврларида доимо бирга эдик. Шу сабабли Абдурахимнинг талабалик йилларини мендан яхшироқ биладиган одам топилмаса керак.

Талабалик йилларимизда, албатта, ёшлигимиз сабабли турли хил кўнгил очар тадбирлар, ҳуда-беҳуда спиртли ичимликлар ичиш ҳоллари бўлиб турарди, лекин Абдурахим бу ишлардан йироқ эди. Мени ҳам бу ишлардан тийилиб юришга ундарди. Бунинг ўрнига китоб ўқишни, Қуръон оятлари билан танишишни тавсия этарди. Шу сабабли мен ўзимни кўпгина ноҳўя ишлардан узоқ тутдим, ўқишни аъло баҳолар билан яқунладим. Ўқишни тугатганимиздан кейин ҳам Абдурахим билан оилавий борди-келдиларимиз давом этди. Тўй-маъракаларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Дўстлик масофа билмайди, деб шуни айтсалар керакда!

Шу ўринда бир маълумотни тилга олиб ўтишни лозим топаман. Гап шундаки, Абдурахим хожининг отаси Аминжон эшоннинг бобокалонлари аслида Қоракўллик бўлганлар. Шу сабабли дўстим тез-тез Қоракўл туманига келиб туради.

Абдурахим хожининг кейинги қилаётган ишларидан ҳам хабарим бор. У кишининг Султон Увайс бобо зиёратгоҳида олиб бораётган ободончилик ишлари таҳсинга сазовордир. Дўстимнинг диний илмларга қизиқиши, ўтган азиз аждодларга ҳурмати талабалик йилларида ҳам ёрқин намоён бўлган эди. Аммо ўша пайтларда уни очиқ ифода этишнинг имкони йўқ эди. Фақат истиқлол туфайли бу хилдаги савоб ишларга кенг йўл очилди.

Абдурахим ҳожи Аминжон эшон ўғли эришган ва эришаётган бундай обрў-эътибор унинг ҳалоллиги, фидойилиги, меҳнат-

севарлиги, одамгарчилиги туфайли рўй берган деб биламан. Кадрдон дўстим бундан ҳам улуғ ишларга қодир. Бундан ҳам улуғ обрў-эътиборга лойиқ. Мен унга соғлиқ, ишларида ҳамиша муваффақиятлар бўлишини Яратган эгамдан тилаб қоламан».

Мен суҳбатимизга ёнбошлаб кулоқ солаётган Бахтиёр Рўзиметов исмли йигитга қарайман. Суҳбатимиз асносида унинг Хоразм вилояти, Хива тумани Қишлоқ ва сув бошқармаси бошлигининг деҳқончилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари эканлигини билиб олган эдим. Бахтиёр бутун суҳбатдошларнинг гапига қўшилгандек, маъқуллуб бош чайқаб кўяр, шунинг учун ҳам мен унинг дил сўларини эшитишга шошилардим. У расмона ўтириб олдида, дўсти Абдурахим ҳожи ҳақидаги фикрларини мана бу хилда айтиб берди:

«Мен ҳам Аминжон эшон ўгли Абдурахим ҳожини дўстим Қахрамон сингари талабалик йилларидан буён биламан. У ўша пайтларда ҳам бутун фикру зикрини ожизларга ёрдам бериш, дўстларга садоқатли бўлиш, борини яқинлари билан баҳам кўриш масалаларига қаратган эди. У Хоразм воҳасининг асл фарзанди сифатида хоразмлик шоирларнинг газалларини ёддан билар, ўрни келганида маромига етказиб, айтиб ҳам берар эди. Биз унинг ширали овоз билан айтган ашулаларини эшитганимизда руҳланиб, кучимизга куч қўшилиб кетар эди.

Мен қаерда ва ким бўлиб, хизмат қилмайин, доимо Абдурахим ҳожидан фойдали маслаҳатлар олиб тураман. Мен нимага эришган бўлсам, унинг берган маслаҳатлари туфайли ҳам рўй берган, десам муболаға бўлмайди. Олийгоҳни битирганимизга йигирма саккиз йилдан ошган бўлса ҳам ҳалига қадар бизларнинг борди-келдимиз узилмайди.

Абдурахим ҳожи садоқатли дўст, осмонқалб, самимий инсон. Унда Аллоҳ таоло ато этган ташкилотчилик, инсонпарварлик қобилияти бор. У сўнги йилларда Султон Увайс бобо, Шайх Аббос валий зиёратгоҳларида жуда кўп ободончилик ишларини амалга оширди. Мен ҳам ана шундай жонкуяр, одамшаванда, халқпарвар, офидойи дўстим борлигидан фахрланиб юраман».

Мен санаторийдан чиқар эканман, ҳозиргина эшитган самимий дил сўзлардан ниҳоятда ҳайратда эдим. Инсоннинг дўстлари бўлса, мана шундай бўлсинда! Инсон яшаса, мана шундай яшасин эканда! Баъзи бировларнинг ҳаётга келиб-кетганлиги билинмайди ҳам. Улар ўтиб кетганидан кейин эса умрбод нутилидилар. Лекин баъзи

инсонлар ҳаётда яхши из қолдирадилар, шунинг учун ҳам улар ҳаётлигидаёқ ҳақиқий, чин маънодаги обрў-эътиборга эришадилар. Уларни дўстлари, юртдошлари яхши сўзлар билан алқайдилар, уларнинг қилган ишларига тасаннолар айтадилар. Абдурахим ҳожи ана шундай инсондир. Бўни ҳозиргина гаплашиб чиққан дўстларининг сўзлари ҳам тасдиқлаб турарди.

Мен Абдурахим ҳожининг дўстлари билан суҳбатлашгандан кейин унинг қариндошлари ва фарзандларидан ҳам дилсўзлар эшитишни қалбимга тугиб қўйдим. Қурбон ҳайити кунларида Эшон овулига йўлим тушди. Мен қалбимдаги орзуим амалга ошишини билиб, ишга киришдим. Абдурахим ҳожининг куёви, опасининг эри Шерипбой Бекчанов билан суҳбатлашиб қолдим. У менга мана буларни гапириб берди:

«Мен Абдурахимни ёшлигидан буён биламан. Қолаверса, бир-биримиз билан ёнқўшни бўлганмиз. Унинг отаси Аминжон эшон ҳалол, покиза, меҳнатқаш, фозил инсон эди. Умуман, уларнинг авлод-аждоди яхши одамлар бўлганлар. Беруний туманида бирон тўй ёки маърака Абдурахимнинг иштирокисиз ўтмайди. Айниқса, камхарж, серфарзанд, ногирон оилаларнинг хизматига доимо камарбаста. Кўз тегмасин, унинг фарзандлари ҳам худди отасининг ўзи. Улар ҳам қишлоғимизда бўлиб ўтадиган турли хил йиғинлар ва маъракаларнинг бошида туради. Ҳеч кимдан ёрдамларини аяшмайди. Меҳр-мурувват бобида, инсонпарварлик бобида Абдурахим ҳожининг олдига тушадиган одам камдан-кам топилса керак».

«Укамдан фахрланаман,-деб гап бошлаб қолди Абдурахим ҳожининг севимли опаси Сапаргул Аминжон эшон қизи,-падари бузрукворимиз диндор бўлишига қарамасдан, фозил инсон бўлиб, эл-улусга ёрдам қўлини чўзишни канда қилмас эдилар. Унинг ана шу фазилатлари укамга ҳам юққан. Отам бизларнинг илмли, маърифатли бўлиб, камолга етишишимизга бефарқ қарамади.

Абдурахим ёшлигидан бошлаб, тиришқоқ, зеҳнли, меҳр-оқибатли ва ташкилотчи эди. Ана шу фазилатлари туфайли у эл-юрт ичида ўзига яраша ҳурмат, обрў-эътибор топди.

Бир куни уйимизга туманимиз собиқ ҳокими Олимбой Ражабов келиб, укамга Султон Увайс бобо зиёратгоҳининг эътибордан четда, қаровсиз қолаётганини айтиб, бу ишни ўз қўлига олишичи илтимос қилди. Ваъда вафоси билан, деганларидек, Абдурахим тезда ишга киришиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай, муқаддас қадамжода ободончилик ишлари бошлаб юборилди.

Абдурахимнинг фарзандлари Ҳамидулла, Неъматулла, Абдулла, Азиза, Иноятуллалар ҳам ақлли, илмли бўлиб вояга етишди. Абдурахим меҳр-мурувватли, олижаноб инсон. Унинг инсоний фазилатлари ҳақида кўп ва ҳў гапириш мумкин. Мен мана шундай мард, доно, самимий, мурувватли укамнинг борлигидан ҳамиша фахрланиб юраман».

Менинг ниятларимни англаган Абдурахим ҳожининг синглиси Бибизайнаб Аминжон қизи менга уч бетли қоғозга ёзилган мана буларни тутқазди:

«Обрў ўз-ўзидан келмайди. Ҳақиқатда ҳар бир инсонга эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш учун унинг юқори лавозимларда ишлаши шарт эмас. Катта лавозимда ишласин ёки кичик лавозимда ишласин, у ўз касбининг асл фидойиси, инсонларга адолатли, камтарин, халқ гамини ўйлай биладиган, келажакни кўра оладиган инсон бўлиши керак. Бундай фазилатларга эга бўлмаган раҳбарлар эл-юрт ҳурматига эриша олмайди. Юртимизда халқ ҳурматига сазовор бўлган одамлар оз эмас. Улар орасида акам Абдурахим ҳожининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ҳеч кимга сир эмас, обрў ўз-ўзидан келмайди. Уни қозониш керак. Обрў қозониш учун эса кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ҳалол меҳнат қилиш талаб этилади. Буни мен акам Абдурахим ҳожи фаолияти орқали яхши биламан.

Советлар тузуми даврида қаровсиз қолган Султон Увайс бобо, Шайх Аббос Валий қадамжолари акамнинг сазў-ҳаракатлари, жонбозлиги, фидойилиги туфайли обод қилиниб, яна асл ҳолига қайтарилди.

Раҳматли отамиз ҳамиша «Илмга, маърифатга интилган киши кам бўлмайди» деб айтар эдилар. Падари бузрукворимизнинг васиятларига содиқ бўлиб қолган акамиз фарзандларини ҳам илмли, маърифатли қилиб тарбия қилдилар.

Акам оилада ёлғиз фарзанд бўлишига қарамай, имонли, эътиқодли бўлиб ўсди. Ҳолбуки, кўп ҳолларда ёлғиз ўғиллар эркак-тантиқ, ноқобил бўлиб, ота-оналарини қийнайдилар. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, акамиз ичиш, чекиш, турли хил гиёҳвандлик иллатларидан фориғдилар.

Ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади қобил фарзандлар тарбия қилиш, хайрли, савоб ишларни адо этишдир. Бу хилдаги фазлу карамли инсонларнинг ишлари ҳеч қачон унитилмайди. Акамда мана шундай олижаноб фазилатлар бор. Буни эл-юрт билади ва қадрлайди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзан инсонлик шаънига доғ туширмоқчи бўлган ғаламислар ҳам учраб туради. Уларни жамият орасига тасодифан тушиб қолган қуртларга ўхшатиш мумкин. Бундай ғараз ниятли, нокас кишилар қилинган ва қилинаётган хайрли ишларни «ёмонотлик» қилиш учун тиш тирноғи билан курашадилар. Тўғри, баъзан адолат эгилади, аммо эгилса ҳам барибир синмайди. Бу билан мен акамнинг хайрли ишларини кўра олмайдиган айрим шўрингқурғур кимсаларнинг ҳам учраб туришини тилга олиб ўтмоқчиман.

Сўзимнинг сўнгида Турсиной Содикованинг бир ибратли фикрини келтириб ўтмоқчиман: «Инсон фақат яхши ният, эзгу амаллар билан яшаса, у албатта ширин ҳаётнинг мевасини тотиб яшайди».

Мен Ҳамидулла Аминовга «Дадангиз ҳақида бир нарсалар ёзаяпман, сиз ҳам у киши ҳақида дилсўзларингизни ёзиб берсангиз» деганимда у менга мана буларни ёзиб жўнатди:

Дадам Абдурахим ҳожи Аминжон эшон ўғли Беруний туманида таваллуд топганлар. Оилада икки қиз ва бир ўғил ўзлари бўлган.

Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг Тошкентга келиб, Қишлоқ хўжалиги институтида ўқийдилар. Ўқишда ўқиб юрган пайтларида уйланганлар. Ойим Карима Маримбой қизи ҳам эшонлар авлодидан.

Биз оилада мен ва тўртта укам — уч ўғил ва бир қиз туғилганмиз. Тўрт ўғилдан учтаси уйланди, синглимни эса турмушга бердик.

Дадам эшонзода бўлганлиги боис Истиқлолнинг илк йилларида уни халқнинг таклифи ва илтимослари билан масжидга имом қилиб қўйишди. Шундан бери дадам халқ хизматида. Исломи динига нисбатан дадамнинг хизмати шундан иборатки, масжидларнинг обод бўлишида унинг жуда катта хизматлари бор. Бундан ташқари диний таълим олмақчи бўлган ёшларни, аввалига ўзлари ўқитиб, сўнгра Андижонга ўз устозлари Мулло Аҳмаджон деган зотга олиб бориб ўқитиб келдилар. Ҳар хил оқимлар, мутаассиб гуруҳлар таъсиридан ёшларни асраб-авайлаб тарбияладилар. Ҳозирги кунда ўша ёшлар масжидлар ва маҳаллаларда хизмат қилмоқдалар. Беруний туманидан бирорта мутаассиб ёки бошқа оқимларга оғиб кетган ёшлар чиқмади. Бу нарса дадамнинг бир пайтлар оқилона ҳаракат қилгани натижаси эканига мен шубҳа қилмайман.

Дадам бизни қаттиққўллик билан тарбия қилганлар. Бирор айб иш қилиб қўйсақ, бизни роса калтаклардилар, ўша ишни қайта қилмасликка мажбур қилардилар. Биз фарзандлар ҳозиргача дадамиздан ҳайиқиб турамыз.

Шундай бўлса ҳам, дадам ниҳоятда оққўнгил, юмшоқ (гарчи тезда қизиб кетса ҳам, тез совийдилар) табиатлидир. Одамларга фақат яхшилик ўйлайдиган, бировлар унга ёмонлик қилса, Худодан кўриб, асло уларга ёмонликни раво кўрмайдилар.

Дадам яхшигина нотик. Гарчи диний саводи унчалик кучли бўлмаса ҳам, аммо масалани тўғри ҳал қилаолади, ҳиссий иқтидори кучли бўлганидан одамларни ўзига эргаштириш салоҳиятига эга.

Дадам адабиёт ва тарихга қизиқади. Яхшигина овози бор. Мумтоз адабиётимизни ўқиш, ўрганиш унинг жону дили. Ҳазал ва мухаммасларни ўқишда унинг олдига тушадигани топилмаса керак. Сўнги пайтларда ул зот зикр ва тасбиҳ айтишга берилиб қолдилар. Нафл ибодатлари кўпайди. Тасаввуфга қизиқиши ортди.

Дадам катта саъй-ҳаракатлар билан туманимиздаги Султон Увайс бобо зиёратгоҳини янада ободонлаштириш ишига бел боғлаганлар. У ерда янги масжид ва меҳмонхона қурилмоқда. Янги масжид битай деб қолди.

Дадам қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларга оқибатли. Уларнинг ҳол-аҳволларидан хабар олиб туришни қанда қилмайдилар. Доим яхши умид билан яшайдилар. Ҳеч қачон умидсизликка тушганларини кўрмаганман. Ҳамиша яхши ният ва орзу-истакларда яшайдилар. Ўз ният ва орзуларига етасверсинлар!»

ДИЛКАШ ИНСОН

(Раҳимберган Матёқуб эшон ўғли ҳақида икки оғиз сўз)

*Дунёда кўп нарса унутилади,
Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайғулар.
Унутилиб борар муҳаббат дарди,
Унутилар йиллар, йўллар, туйғулар.
Қирқ йиллик адоват унутилар секин,
Унутилар ҳатто юракдаги дарз.
Яхшиларнинг меҳри унутилмас лекин,
Унутулмас улар олдидаги қарз.
Абдулла Орипов*

Инсон умри ҳеч қачон у яшаган йиллар билан ўлчанмайди. Биров бир юз йигирма йил умр кўриши, аммо ҳаётида одамларнинг тилига тушинадиган бирон бир хайрли, савоб иш қилмаслиги мумкин. Аксинча, кам умр кўриб, кўп эзгу ишларга қўл урган фидойиларни ҳам биламиз. Қилинган хайрли ва савоб ишларгина у ёки бу одамнинг жамиятда тутган ўрнини белгилайди. Тўғри, эзгу ишлар қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Фақат мард, танги инсонларгина хайрли ишларни амалга оширишга қодирдирлар.

Мен ўз ҳаётимда турли хил одамларни учратдим. Ақлларини ҳам, доноларини ҳам, фидойиларини ҳам, айёрларини ҳам, иккиюзламачиларию, доғулиларини ҳам. Аммо мен билган Раҳимберган эшон уларнинг биронтасига ҳам ўхшамайди. Раҳимберган эшоннинг самимийлиги, одамийлиги, бошқача қилиб айтганда инсоний жозибаси у билан илк бор учрашган ҳар қандай одамни ўзига мафтун қилмасдан иложи йўқ. Хусусан, унинг ҳазиллари, қочиримли гаплари, кулиб туриб кинояли гапириб қўйишлари ҳар қандай одамни ўзига жалб қилар, адибу ёзувчилар, қизиқчиларга керак бўладиган, жуда зарур гап-сўзларни топиб гапиришга ниҳоятда уста эди.

Тўғриси айтмай, Раҳимберган эшон ҳақида сўз юритиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, туман ҳалқи уни яхши билади. хурмат қилади, эъзозлайди. Қийин томони шундаки, кичик бир лавҳада ҳаммага маълум ва машҳур бўлган олижаноб инсоннинг барча қилган савоб ишларини тўла ифода қилиб бўлмайди.

Маълумки, Ниёзмухаммад охуннинг тўртинчи невараси Ҳабибулло эшондан иккита Сафо Эшон ва Дарвеш эшон деган фарзандлари бўлган. Сафо эшоннинг Болта эшон ва Хўжамат эшон деган зурриётлари дунёга келган. Болта эшоннинг эса ўз навбатида Буважон эшон ва Матёқуб эшон исмли ўғиллари дунёга келган. Буважон эшондан Юсуфбой исмли бир ўғил ва Тўти исмли бир қиз қолган. Матёқуб эшон уруш йилларида фронт орқасида — ишчи батальонида хизмат қилган. Ундан якка-ю ёлғиз бир фарзанд — Раҳимберди (1948-й) исмли ўғил дунёга келган. Унинг Бахтиёр, Раҳмонберган, Оллоёр, Озод, Илҳом, Ўқтам, Алишер, Ислом, Юлдуз деган фарзандлари ҳаётда ўзларининг ўрнини топиб, ҳалқ хўжалиги, фан-маданият ва бизнес соҳаларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Менинг Раҳимберган эшон билан илк бор учрашувим 2004 йилнинг август ойи бошларида рўй берган.

Хонага ўрта бўйли, истараси иссиқ бир одам кириб келди ва ўзини Раҳимберган эшон, деб таништирди.

— Нима иш билан шуғулланасиз, - дея сўрайман мен ундан:

— Тижорат ишлари билан, - дейди Раҳимберган эшон жилмайиб.

У киши билан узоқ суҳбатлашдик. Вақт жуда тез ўтиб кетганини билмай ҳам қолибмиз. У гап орасида бундай деган эди:

— Тўғриси айтиб қўяқолай. Ҳасад деган нарсга йўқ менда. Бировларнинг ҳақиға ҳам хиёнат қилмайман. Ҳалол ишлайман, менинг ҳаётим шиорим мана бу шеърий сатрларда ўз ифодасини топган.

Раҳимберган эшон ўзига хос оҳанг билан шеър ўқийди:

Бисотим кенг очикдир меҳмонларимга,
Таомим ҳалолдир келгил ёнимга.
Армуғон этамиз неки қўлда бор,
Сирка ва кўкат бор боқ дастурхонимга.
Кўнгли кенг одамлар бўлғуси мамнун,
Бахилга мутлақо беғараздурман.

Мен ҳайратимдан ёқа ушлайман. Тижорат билан шуғулланувчи Раҳимберган эшоннинг қувваи-ҳофизаси билан кўнгли шукр бўлмаса. Шарқнинг буюк мутафаккири...

билиш, унинг шеърий сатрларини ёд айтиш... Бунақа илмга шайдо бўлган «Бизнесчи»ларни кам учратганман ҳаётимда.

Мен Раҳимберган эшоннинг оиласи, фарзандлари ҳаёти билан қизиқаман:

— Фарзандларимнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлишган. Лекин шунга қарамай, - дейди хиёл жилмайиб Раҳимберган эшон, - ҳаммамиз бир қозондан овқат еймиз.

— Наҳотки, дейман мен ишонқирамай, икки келин билан яшаш қийинку, қандай қилиб, беш келин, яна неваралар...

— Ишонмасангиз бизга меҳмон бўлиб борасиз, уйимиз олдидаги дошқозонни сизга кўрсатаман.

Раҳимберган эшоннинг айтган бу гапларини шунчаки ҳазил, деб ўйлаган эдим. Унинг уйига меҳмонга бориб билдимки, бу гапларнинг ҳаммаси рост экан.

— Фарзандларимдан бири туман ҳоқимлигида хизмат қилади, қолган тўрттаси тижорат билан шуғулланади.

— Уларни қандай қилиб тарбия қилгансиз сўрайман мен ундан.

— Ҳалқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган ҳикматли гап бор. Бу саволингизга батафсилроқ жавоб бериш учун ота-боболаримиз томонидан айтилиб келинган битта ҳикояни тилга олиб ўтай:

Қадим замонда иш ёқмас, танбал бир йигит ўтган экан. У кеча-кундуз: «Қандай қилсам бой бўларкинман?» - деб ўйлар экан. Кунлардан бир кун у бир донишмандга учраб, арз қилибди.

— Бойиш учун кўп риёзат чекмоқ керак. Тур деган тоққа чиқасан, у ерда хазина бор, хоҳлаганингча оласан. Аммо ақлингни ишлат, ақл йўқ ерда бойлик бўлмайди.

Донишманддан бу маслаҳатни эшитган танбал йигит: «Ҳа, йўлини топдим, энди бойиб кетаман дедида, Тур тоғи қайдасан», - деб йўлга равона бўлди. Чўлда кетаётиб, у бир бўрига дуч келди:

— Эй, йигит, йўл бўлсин? - деб сўради бўри.

— Тур тоғига кетаяпман, бойлик олиб келмоқчиман, - жавоб берди у йигит.

— Кеча-кундуз елиб югураман, у-бу учраб, овим барибир нима ейман, бўлмаса ҳафталаб оч юрмасанми?

Йигит: «У...»

Боғбон: «Ўғлим, бир таноб боғим бор, узум бермайди, шунинг сабабини Тур тоғидан сўраб кел», — деди.

Йигит чолга ҳам ваъда бериб кетаверди. Бир қирда ов қилиб юрган подшо билан унинг вазирага дуч келди. Подшо унинг Тур тоғига кетаётганини эшитиб, деди:

— Ов қилаётганимда, ўндан тўққиз ўқим зое кетади, сабабини билиб кел.

Йигит йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Тур тоғига етиб борибди. Лекин тоғда ҳеч қандай бойлик топилмабди. Бир тош остидаги чайлада донишманд чол ўтирарди. Йигит унга салом бериб шундай деди:

— Ота, мен бу ерга бойлик излаб келган эдим, лекин ҳеч қанақа бойлик йўқ экан.

Йигит йўлда учраган бўри, боғбон чол ва подшонинг ўзига берган саволлари ва илтимосларини чолга айтди.

Донишманд чол йигитга жавоб бериб, деди:

— Бўрига ризқ йўқ, учратганини тутиб ейди. Боғбон чолнинг боғига тўрт хум тилло кўмилган, шундан маст бўлган тоқлар говлайдию, узум қилмайди. Энди подшога айт, у эркак кийимида юрган қиз, агар эрга чиқса, ови юришади, ана энди боравер, бу ерда бойлик йўқ, уни меҳнат ва ақл билан топасан. Бойлигинг, бахтинг олдинда.

Йигит: «Ҳа энди бойлик олдинда экан, уни топиб оламан», — деб кетаверибди. У йўлда подшага учраб, чолнинг жавобини айтган эди.

Подшо қиз: — бу сирни сен-у мен билайлик, мени хотинликка ол, деди. Йигит эса: «Йўқ, менинг бойлигим олдинда», — деб кетаверди. Боғбонга учраб, жавобини айтди. Боғбон: «Яша, ўғлим, тиллаларни қазиб олайлик, менинг ўғлим бўлиб қол, бўйи етган қизим бор, уни сенга бераман», — деди.

Танбал йигит: «Йўқ бойлигим олдимда», — деб кетаверди. Йўлда бўрига учради. Йигит бўрига донишманд чолнинг жавобини айтган эди. Бўри: «Учратганим сен экансан» — дея танбал йигитни босиб олиб, бир зумда еб кўйди.

— Мен бундай ҳикояларни, — дея сўзида давом қилди Раҳимберган эшон, падари бузрукворим Матёқуб эшондан эшитганман. Мана энди вақти-вақти билан фарзандларимга ҳам айтиб бериб тураман. Мен ўз тажрибамдан яхши биламанки, ҳаёт дангаса, ишёқмас, танбал одамларни ёқтирмайди. Ҳақиқий инсон ҳаминша ҳалол меҳнати билан нафас олиши керак.

Мен Беруний туманида ким билан гаплашмай, уларнинг ҳаммаси бир оғиздан Раҳимберган эшоннинг хайрли ва савоб ишларини тилга олишади, уни ҳожатбарор инсон дейишади. Аслида ҳам ўзи шундай. Раҳимберган эшон ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобидан кенг ва равон йўллар қурди, мой куйиш шахобчаларини ишга туширди, етим-есирлар, ногиронлар, кам таъмирланган оилаларга ёрдам бериб туради. Қани энди ҳаётда ҳар бир тижоратчи Раҳимберган эшон сингари хайрли ва савоб ишлар билан шуғулланса.

Мен Раҳимберган эшон билан бир эмас, бир неча марталаб учрашдим, турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар қурдим. Унинг ўша суҳбатларда тилга олган баъзи ўғитларини ёзиб ҳам олдим.

Куйида уларнинг айримларини тилга олиб ўтаман.

* * *

Бойиш учун риёзат чекмоқ керак.

* * *

Бойликни меҳнат ва ақл билангина топиш мумкин.

* * *

Сўз билган яхши, аммо иш билганга не етсин.

* * *

Юраги тоза одамнинг, иши ҳам тоза бўлади.

* * *

Фақат ва фақат ақлли одамларгина бизнес билан шуғуллана олади.

* * *

Инсон энг аввало ўзининг куч-қудрати, ақли нималарга қодир эканлигини англай олиши керак.

* * *

Ота-онаси, авлод-аждодларини билмаган, уларнинг қадрига
етмаган одамлар билан дўст туғиниш гуноҳи азимдир.

* * *

Ҳар ким ўз овули, тумани, юртининг чин маънодаги фидойиси
бўлиши шарт.

* * *

Ота-онаси, авлод-аждодларини билмаган, уларнинг қадрига етмаган одамлар билан дўст тутиниш гуноҳи азимдир.

* * *

Ҳар ким ўз овули, тумани, юртининг чин маънодаги фидойиси бўлиши шарт.

СЎНГСЎЗ

Меҳрга муҳтож бўлмаган одам топилмаса керак бу курраи заминда. Ҳақиқий инсон ҳечқачон меҳрсиз яшайолмайди. Меҳр меҳрни туғдиради, зулм эса зулмни. Инсон зоти борки, ҳаммаси меҳрнинг шайдоси.

Ҳадиси шарифлардан бирида шундай дейилади:

«Анас ибн Молик ривоят қиладилар: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам токи ўзга бир одамни фақат Оллоҳни деб яхши кўрмас эркан ва Оллоҳ (куфрдан) қутқаргач, қайта кофир бўлмоқдан кўра жаҳаннам ўтига ташланмоқни афзал билмас эркан ҳамда Оллоҳ ва унинг расули унинг учун барчадан маҳбуброқ бўлмас эркан, иймон ҳаловатига эриша олмағайдир!»-дедилар¹⁷.

Оллоҳга нисбатан бўлган меҳр инсонни эзгу ишлар, амаллар сари етаклайди. Меҳр бор жойда севги, вафо, садоқат, одамийлик, самимият, ҳалоллик, поклик бўлади. Меҳр йўқ жойда фитна, ҳасад, лоқайдлик, иккиюзламачилик илдиз отади.

Ўтмишда яшаб ўтган буюк боболаримиз Мухаммад Ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад Ал-Фарғоний (тахминан 797-865 йиллар), Имом Ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Мухаммад ат-Термизий (824-892), Абу Наср Фаробий (873-950), Абу Мансур ал-Мотуридий (вафоти 945), Абу Бакр ал-Хоразмий (935-993), Абу Али Ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144), Аҳмад Яссавий (1041-1167), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Амир Темур (1336-1405), Ваҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Ҳожа Аҳрор (1404-1490), Алишер Навоий (1441-1501), Заҳириддин Мухаммад Бобур (1483-1530)ларнинг ижоди ва ҳаёти йўли, шунингдек, Нақшбандия, Яссавия ва Кубравия таълимотлари бунга ёрқин мисолдир.

Болалик чоғларида ўз юртини тарк этган Бобурнинг мана бу шеърий сатрларини яна бир бор эшитиб қўриш...

Толъ йўқки жонимға балодиг бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Ёки юксак инсоний туйғулар билан суғорилган мана бу
сатрларни ҳам тинглаб кўрайлик:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топкусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топкусидир.
Яхши киши кўмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топкусидир.

Меҳрнинг йўллари қанчалик олис ва машақатли бўлмасин она
юрти ва Оллоҳни севган инсонлар ўз эътиқодлари йўлида ҳаммиша
собит турганлар. Бунга Ниёз Муҳаммад охун ва унинг авлодлари
ҳаёти, ижтимоий фаолияти ёрқин мисол бўлаолади. Масалан,
Абдураҳим ҳожининг Беруний тумани имоми, Султон Увайс
Қараний, Шайх Аббос Валий зиёратгоҳларининг имом-хатиби
сифатида олиб бораётган ободончилик ишлари ҳар қандай таҳсинга
сазовордир.

Ота-боболарининг дунёвий ва диний ўғитларига оғишмай амал
қилиб келаётган Абдураҳим ҳожи бу эзгу амалларнинг чуқур илдиз
отиши ва ҳаётий кўринишлари учун ҳормай-толмай курашиб
келмоқда. Халқ бахти-саодати йўлида қилинган эзгу ишлар, амаллар
эса инсонни юксакликларга кўтарди. Шу гапларни Абдураҳим
ҳожи ҳақида бемалол равишда айтиш мумкин.

Абдураҳим ҳожи ёзувчи ва журналист Фозил Зоҳиднинг
«Маърифатга кенг йўл очилган жойда жаҳолат барҳам топади.
Зиёратга келган мусулмонлар орасида ҳам диний илмлардан
беҳабарлик натижасида бидъат-хурофотга мойиллик ҳоллари кўзга
ташланиб туради. Садақа бериш, эҳсон шартларига, қабр зиёрати
одобларига риоя қилиш муҳим. Зиёрат ва садақанинг қабул бўлиши
учун белгиланган шаръий йўл-йўриқлар бажарилляптими? Бу
мақсадга эришиш учун амалга ошириляётган тadbирлар тўғрисида
ҳам сўзлаб берсангиз?»-деган саволига мана бундай жавоб беради:
«Авваломбор, мусулмонлар зиёратга холис ният билан келадилар.
Аллоҳ йўлида ҳалол молларидан тўғри йўл билан келадилар.
Илинжида ўз-ўзидан келадилар. Садақа бериш ва зиёратга келиш

кусур изламаган, садақа соҳибига тилакдош бўлган яхши, қабули
яратганга ҳавола.

Диёнатли, оқ-қорани таниган кишилар риёсиз садақа ўрнига
тушиши учун шаръий кўрсатмаларга амал қилишади. Лекин
билимсизликдан, эътиқод заифлигидан садақанинг тартиб-
қондасини, зиёрат одобини бузиш ҳоллари бўлиб туради. Кўз
ўнгимизда юз бераётган, гуноҳга ботишга сабаб бўладиган ишларга
лоқайд қараб туриш имон аҳлига хос эмас. Адашганга тўғри йўлни
кўрсатмаслик гуноҳга шерик бўлиш билан баробар.

Маълумки, авлиё номига атаб жонлиқ суйиш динимизда йўқ,
ундан истъомол қилиш ҳаром. Худойи ё садақада эса, муҳтож-
ларнинг ҳақлари бор. Зиёратгоҳ ва қабристон маишат, ўйин-кулги
жойи эмас. Буни билиш билмаганларга билдириш лозим, албатта.

Саховат гўзал фазилат холис Аллоҳ учун бўлган садақа ради
бало экани ҳақ. Халқимиз азиз авлиёларга ихлоси баланд
бўлганлигидан Аллоҳ йўлида айтилган садақаларини қадамжоларга
олиб келади, жонлиқ тартиб-қоидаларга риоя қилади. Қозонхонада
зиёратчиларнинг кўпи тартиб-қоидаларга риоя қилади. Қозонхонада
тайёрланган таомлардан ва ажратилган эҳсондан ғариб-фақирлар,
бева-бечоралар ўз ҳиссаларини олаяпти.

Овул, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ёрдамга
муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронлар рўйхати олиниб,
муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронлар рўйхати олиниб,
озик-овқат ва моддий ёрдам уларнинг уйларига элтиб берилмоқда.
Ҳодимларимиздан Тангриберган Шайх билан Салимбой Дарвеш
бу вазифани ўз зиммаларига олишган. Мадраса толибларини ҳам
моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Қабр зиёрати охирагани эста солади, кишига мол дунё ҳирси
ва гуруридан тийилиш зарурлигини англатади, ҳаддидан ошган
кимсани тўғридан қайтаради. ўтганлар ҳаққига қилинган холис
дуо исси кетмайди. Аммо қабрларни тартиб-қоида қилишда одоб-
тавозеъ расми, белгиланган тартиб-қоида бузилишига баъзан
кўникиб қолганмиз. Қабрларни ўпиб, мақбара эшик-
пешоналарини суртиб, тавоф қилишлар, қабр
фарёд солиб йиғлаш каби ботиқ
Тўй байрамга келган
ялонғоч аёл
ўнғай

Кези келди, охираат жойида дунёвий мезон асосида безашга, гумбазли, серҳашам мақбаралар қуришга ишқибозлар пайдо бўлаётганини ҳам афсусланиб, қайд қилмоқчиман.

Бу тариқа «зиёрат»дан ўликка қандай яхшилик бор? Қисқаси, зиёрат тартибини одамларимизга тушунтиришимиз, сабр-тоқат билан тарғибот олиб боришимиз зарур»¹⁸.

Ниёзмуҳаммад охунднинг ҳозирги авлодларидан баъзилари унинг ишларини давом қилдириб келмоқдалар. Абдурахим ҳожи Беруний тумани имом хатиби бўлса, Жамолиддин эшоннинг ўғли мулла Нуриддин Беруний туманининг бош масжиди Шайх Аббос Валий масжиди имом хатибидир. Исо эшоннинг ўғли Бобохон эшоннинг невараси мулла Азимбой Отахон эшон ўғли эса Охунд бобонинг асл макони, унинг масжидида имом хатиб бўлиб, ислом динининг поклигини сақлаб келмоқда. Абдурахим ҳожининг ўғли Неъматуллоҳ эса қори мураттабдир. Ҳамидулла эса Тошкентда Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида ишлайди. Ота боболарининг ишларини давом қилдириб келаётган бу авлод вакиллари ана ўша бобокалонларининг дуолари натижасида бугунги кунда эл-юрт олдида обрў-эътиборга эгадирлар.

Абдурахим ҳожи ўзаро суҳбатларда Нақшбандийа тариқатининг асл ақидаси «Дил ба ёр-у, даст ба қор», яъни «Доимо кўнглинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг эса ишда» деган гоёни тез-тез тилга олади. ўтмишда яшаб ўтган буюк боболарининг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, имон-эътиқод, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик сингари фикрларига таянади.

Сўзимизни Шарқнинг улуғ мутафаккирларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ушбу сатрлари билан тамом қилишни лозим топдик:

«Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли боқийдир, ҳаётлик айёмининг ҳосили яхши ном орттиришдир».

¹И.А.Каримов. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон. 1999. 10-11 бетлар.

²Навоий асарлари луғати. Т.: Фан, 1972. 687-688 бетлар.

³Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Т.: 2005. №9. 677-бет.

⁴Яхшибика Абдуллаева. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX аср охири XX аср. Т.: 2004, «Ижод дунёси» нашриёти уйи, 126-128 бетлар

⁵И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1966. 7-бет.

⁶А.Ф.Фуломов. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. (Қадимги замонлардан ҳозиргача). -Т.: ЎзФАН Академияси. 1959. 153-154 бетлар.

⁷Неъматулла Иброҳимов. Ибн Батуа ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т.: «Шарқ машъали» журнаliga илова. «Шарқ баёзи», 1993. 63-64 бетлар.

⁸Яҳё Фуломов. Ўша китоб, 122-бет.

⁹Археология, тарих ва фалсафанинг долзарб муаммолари. Т.: 1999. Хоразм Маъмун Академияси илмий тўплами. 9-12 бетлар.

¹⁰Археология, тарих ва фалсафанинг долзарб муаммолари. Т.: 1999. Хоразм Маъмун Академияси илмий тўплами. 10-11 бетлар.

¹¹Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон. 1996. 92-93 бетлар.

¹²Аминов Ҳ. Султон Увайс бобо. Т.: «Мовароуннаҳр» нашриёти. 2004. 3-4 бетлар.

¹³Аминов Ҳ. Султон Увайс бобо. Ўша китоб: 13-14 бетлар.

¹⁴Аминов Ҳ. Шайх Аббос Валий мақбарасини Ким қурдирган? «Халқ минбари» газетаси, 2003 йил, 15 апрель.

¹⁵Ҳуснидинов З. Миллатлараро тотувлик ва диний бағри кенгликнинг ҳаётий илдишлари. Миллатлараро тотувлик ва диний бағри-кенглик тараққиёт омили. Т.: 2003. 8-бет.

¹⁶А.Баҳрамов. Ислон – тинчлик дўстлик ва эзулик дини. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тараққиёт омили. Т.: 2003. 31-бет.

¹⁷Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий – 4. Ал Жомий Ас-Саҳиҳ. Комуслар Бош таҳририяти. Т.: 1992, 94-бет.

¹⁸Ибодат ва ибрат маскани. «Ҳидоят» журнаli, №7, 2005. 7-бет.